



# ИШОНЧИ

Ўзбекистон касба уюмлари Федерациясининг газетаси

• 1995 йил, 16 июнь • 24 (218)

## Хафтанинг муҳим воқеалари

### НАВОИЙ ВИЛОЯТИГА САФАР

Республика Президенти Ислон Каримов 14 июнь куни Навоий вилоятида бўлди. Маълумки, мазкур вилоят мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятида муҳим урин тутати. Утиш даври мураккабликларига қарамасдан самарали фаолият курсатётган саноат корхоналари, қаъри табиий бойликларга макон бўлган саховатли замин, меҳнаткаш халқ вилоят истиқболи янада порлоқ бўлишига ишонч уйғотади.

Шу куни Учқудуқ шаҳридаги 3-гидрометаллургия заводи ишлаб чиқариш қувватларининг биринчи навбати ишга туширилди. Ана шу муносабат билан бу ерда меҳнат жамоаси, корхона фахрийлари, жамоатчилик вакиллари иштирокида тантанали митинг бўлди. Уни Навоий вилоят ҳокими Ҳ. Гаффоров очди. У мустақиллик боис қисқа муддатда ажойиб саноат корхонаси барпо этилгани, бу ерда қирқдан ортиқ миллат вакиллари қилмаелка меҳнат қилаётгани, шунинг натижаси улароқ, бугун дастлабки маҳсулот олингани хусусида гапирди.

Тантанали митингда Президент Ислон Каримов нутқ сўзлади.

«Қизилқумнодирметаллургия» концерни раиси Н. Кучерский заводни барпо этишда курсатилган эътибор ва ёрдам учун юртбошимизга миннатдорлик изҳор этди. У дастлабки маҳсулот намуналарини намойиш қиларкан, бу бойлигимиз Ватан келажиги, халқимиз бахт-саодати йулида хизмат қилсин, дея тилак билдирди. Шундан сунг Навоий қурилиш бошқармаси бошлиги С. Ефремов янги корхонанинг рамзий қалитини юртбошимизга топширади. Президент алвон лентани қирқади. Завод ишга



Ф. ҚУРБОНБОВ (ЎЗА) олган сурат.

тушиб, қудратли агрегатлар гувўлай бошлайди.

Президент Ислон Каримов завод цехларидаги иш жараёни билан танишди, меҳнаткашлар билан сўхбатлашди. Республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари мухбирларининг саволларига жавоб қайтарди.

Саноат корхоналарини замонавий усқуналар билан жиҳозлашда, рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқаришда чет эл фирмалари, тadbиркорлари билан ҳамкорлик қўл келмоқда. Зарафшон шаҳридаги «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси бунга яққол мисол бўла олади. Президентимиз ана шу корхона фаолияти билан танишди. Мурунгов карьерини куздан кечирди. «Агама» тўқимачилик фабрикасида тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати билан қизиқди.

Ишлаб чиқариш фахрийлари, меҳнаткашлар вакиллари билан самимий мулоқот чоғида юртимизда қарор топган осойишталик, тинчлик, фуқаролар тотувлиги нечоғли ҳаётий аҳамиятга эга экани, изчиллик билан утқазилётган ислохот самара бераётгани, буларнинг барчаси Ватанимиз қудратини оширишга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайта-қайта такрорланди.

Ислон Каримовнинг Навоий вилоятига сафарида республика Бош вазирининг биринчи уринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир босари Ю. Пайгин, Президентнинг матбуот қотиби М. Муҳаммад Дуст ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

(ЎЗА).

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Ислон Каримов Япониянинг хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси президенти Акира Нишигаки бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Акира Нишигаки Ўзбекистонда амалга оширилатган иқтисодий ислохотларга амалий кўмак беришга, телекоммуникацияни ривожлантириш лойиҳаси учун узоқ муддатли кредит ажратишга тайёрлигини билдирди. Сўхбат чоғида транспорт, сайёҳлик ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳам ҳамкорлик алоқаларини урнатил ҳақида фикрлашиб олинди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, пунингдек, Тошкент ва Урта Осиё рус православ черкови епархиясининг миллатлараро тинчликни, фуқаролар тотувлиги ва мамлакатимиздаги турли динларга эътиқод қилувчилар дустлигини мустаҳкамлашдаги мавқеини юқори баҳолаб Фармойиш қабул қилди. Унда Тошкент ва Урта Осиё архиепископи Владимирнинг Свето-Успенский кафедрал собори ҳузурида диний-маъмурий марказ ташкил этиш ва 1996 йил ноябрь ойида епархиянинг 125 йиллиги тантаналарини утқазил тўғрисидаги мурожаати қўллаб қувватланган ва тadbирлар белгиланган.

• «ДАВЛАТ мулки бўлган корхоналарни акциялаштиришни жадаллаштириш ва қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

• **НАВОИЙ** кон-металлургия комбинатининг янги учинчи гидрометаллургия заводини қуриш ва муддатидан олдин фойдаланишга топширишда фидокорлик намуналарини курсатган республикадаги бир қанча корхона ва қурилиш ташкилотларининг ишчи ва хизматчиларидан бир гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кура «Шўхрат» медали, Фахрий унвонлар ва Фахрий ёриқлар билан мукофотландилар.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хусусий тadbиркорликни янада рағбатлантириш, ички бозорни нефть маҳсулотлари билан тўлдириш, бозор муносабатларини шакллантириш мақсадида республика аҳолисига автомобиль бензинини нақд пулга сотувчи айрим автомобиль енигиеси қуйиш шаҳобчаларини хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Нақд сумларни эркин муомаладаги валютага алмаштиришга доир чеклашларни бекор қилиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

• **МАМЛАКАТИМИЗ** Президенти Ислон Каримов пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида бўлиб, бу ерда амалга оширилатган бунёдкорлик ишлари билан танишди, хондонларда бўлиб, аҳоли билан сўхбатлашди. Янги қурилган замонавий уйлардан бирини бориб кўрди. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи атрофида бунёд этилаётган иншоотларда бажарилаётган ишлар кулами билан ҳам танишди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб утган йиғилишда болаларнинг ёзги соғломлаштириш мавсумини муваффақиятли утқазил, санитария-эпидемиология хизматини янада яхшилаш, шунингдек, сайёҳликни ривожлантириш, мактабларни янги уқув йилига ва қишга тайёрлаш масалалари муҳокама этилди.

### Украина Президенти Леонид Кучманинг Ўзбекистонга расмий ташрифи олдиан МУСТАҲКАМЛАНАЁТГАН ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон ва Украина иқтисодий алоқалари куп йиллик тарихга эга. Чўқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, бу алоқалар куп асрлик анъанага эга. Аждодларимиз Буюк ипак йули буйлаб Туронзаминдан Қораленгиз бўйи чуллари орқали Буюк Киевга турли-туман моллар олиб борганлар. Уларни пуллаб, урнига украин тупроғи ҳадялари билан Ватанга қайтишган. Худди шундай украин савдогарлари ҳам машҳур Шарқ бозорларига карвон-карвон молларини олиб бориб сотиб, мўмай даромадлар олишган.

XX асрнинг утган ун йилликлари мобайнида сандо алоқалари саноат-иқтисодий, маданий моҳият касб этиб, кенг ривож топди. Украина Ўзбекистонга юзлаб номдаги маҳсулотларни келтирар, Ўзбекистон ҳам ҳамкорларидан орда қолмай, пахта ва қоракўл, шойи ва чит, тери, дори-дармонлар учун хом ашёлар жунатарди.

Собиқ Иттифок тарқаб кетганидан кейин Ўзбекистон ва Украина давлатлари уртасидаги дўстона алоқалар янги сифат босқичига кўтарилиб, ҳар томонлама ривожлана бошлади. Ҳар икки республика узаро иқтисодий алоқаларини биринчилар қатори тислаш жараенларини бошлаб юбордилар. Мамнуният билан қайд этиш керакки, бу жараен йил сайин куч олиб, тез суръат касб этапти. Бу, энг аввало, самолётсозликда яққол кўзга ташланади. Киевлик ва тошкентлик самолётсозлар ҳам илмий, ҳам амалий, ҳам ишлаб чиқариш алоқаларини чамбарчас мустаҳкамламоқдалар. Кимегарлар ва озик-овқат, қандолатчилик саноати ходимлари, нефтьчилар ва тўқимачилар, деҳқонлар ҳам узаро манфаатли алоқаларни йулга қўйиб юборишган.

Ҳар икки республика уртасида иқтисодий, маданий ва дўстона алоқалар кенг ривож топшишда ушбу мамлакатлар раҳбарларининг узаро мулоқотлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай мулоқотлар ҳам анъанага айланиб бораётгани ҳар икки давлат фуқароларини мамнуун этапти. Шунинг учун ҳам республикамиз меҳнаткашлари Украина Президенти Леонид Кучма жанобларининг шу йил 20-21 июнь кунлари мамлакатимизда меҳмон бўлиши ҳақидаги хабарини мамнууният билан кутиб олдилар. Бу ташриф мустақил Ўзбекистон билан Украина халқлари уртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаши, ҳар икки мамлакат фаровонлигига хизмат қилишига шубҳа йўқ.

И. МУНАЕВ.

### ГЎШТ, СУТ КЕСКИН КЎПАЯДИ

• **Мамлакатимизда гўшт ва сўт маҳсулотларини кескин кўпайтириш имкониятлари яратилмоқда.**

• **Илғор технология асосида бир бош шартли мол ҳисобига 0,3 гектар ердан бир йиллик тўйимли озуқа этиштириш мумкин.**

• **Наманган туманидаги «Ижодкор» хўжалигида озуқа майдонлари 32 фойза қисқаргани ҳолда 1994 йили ем-хашак этиштириш 10 фойза ошди.**

• **Бир майдонда бир йўла бир қанча-донли, ёғли, қанд моддали, сервитамин усимликларни этиштириш тўғрисида катта ҳажмда ғоят тўйимли, таркиби бой озуқа этиштириш мумкин.**

• **Таклиф этилаётган илғор технологияни кенг қўллаш ердан тежамли фойдаланган ҳолда мамлакатимизда йилга 1 миллион 200 минг тонна гўшт этиштириш имконини беради.**

### ГУВОҲНОМА ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Ўзбекистон касба уюмлари Федерациясига бирлашган касба уюмларининг Низоми (Устави) руйхатта олинганлиги тўғрисида гувоҳнома топшириш маросими бўлиб утди. Гувоҳномани Республика Адлия вазир А. Мардиев топширди.

Ўзбекистон касба уюмлари Федерацияси кенгаши раиси Ҳ. Жамолов маросимда сўзга чиқиб, ушбу Низом барча қонунлар доирасида етти миллиондан ортиқ аъзосини уз сафига бирлаштирган касба уюмлари фаолияти учун ҳуқуқий асос берувчи ҳужжат эканлиги ва айни вақтда у аҳолининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатларини ҳимоялаш йулида, касба уюмлари ҳаракатини бирлаштиришда муҳим рол уйнашини алоҳида таъкидлади.

(Низомнинг тўла матни газетанинг навбатдаги сонларида эълон қилинади).

Маълумки, шу йилнинг май ойида Вазирлар Маҳкамасида Республикада иқтисодий ислохотларни амалга ошириш буйича 1995 йил биринчи чораги дастурининг бажарилиши якунлари муҳокама этилганди. Мазкур муҳокама пайтида Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов яқин йилларда республика аҳолисини узимизнинг гушг-сўт маҳсулотларимиз билан таъминлаш тўғрисида гапириб, мамлакатимизда бунинг учун барча имкониятлар мавжудлигини алоҳида таъкидлаганди.

(Давоми 2- бетда).

### ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА ҚАДРЛИ КАСБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛЛАРИ! АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Сиз доимий ҳамроҳингиз бўлиш «Ишонч» газетасига 1995 йилнинг иккинчи ярми учун обуна бўлишга улгурдингизми? Агар улгурмаган бўлсангиз — тезроқ ҳаракат қилинг. Чунки обуна муддати жуда қисқа.

Яна бир бор эслатиб утамиз: «Ишонч» газетаси шу йил июль ойидан бошлаб ҳафтасига икки мартаба А-2 форматли ҳажмда чиқа бошлайди.

Корхоналар ва ташкилотлар учун газетанинг 6 ойлик каталог баҳоси 202 сўм 80 тиён.

Эслатма: Вилонларда обуна баҳоси газетани етказиб бериш харajatларига қариб турганича бўлади.

**(Боши 1-бетда).**

Ҳақиқатдан ҳам шундай. Ҳозирги пайтда барча турдаги ҳўжаликларда 5 миллион 442 минг қорамол, шу жумладан, 2 миллион 346 минг сизир, 11 миллион 3 минг қўй ва эчки мавжуд. Жорий йилда суғориладиган ерларда бошоқли дон экинлари майдони 874 минг гектарга етказилган, 1996 йилда 1 миллион 300 минг гектарга етказилиши, табиий-иқтисодий шаронлар эътиборга олинган ҳолда деҳқон (фермер) ҳўжаликларига бир бош шартли мол ҳисобидан 0,3-0,45 гектардан суғориладиган ёки 2 гектардан лалми ер берилиши, бозор муносабатларининг жорий этилиши чорвачиликни ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш учун қўлай вазиятни вужудга келтиради.

Эндиликда қишлоқ ҳўжалик раҳбарлари ва мутахассисларидан талаб қилинадиган энг муҳим иш — бу молларни озуқа билан таъминлаш борасидаги эскича услубларни тубдан ўзгартиришдир.

Маълумки, моллар маҳсулдорлигининг 60 фоизи озуқалар даражаси ва сифатига боғлиқ. Афсуски, мана шу муҳим омил кўпгина ҳўжалик ва фермаларнинг раҳбарлари, мутахассислари томонидан амалий ишда эътиборга олинмаётди.

Кейинги йиллар давомида чорвачилик фермаларининг дағал, ширали ва кўк озуқаларга бўлган талаби Қорақалпоғистон Республикасида 45-50 фоиз, Сурхондарё, Хоразм, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё вилоятларида 65-70 фоиз, қолган вилоятларда 75-80 фоиз қондирилиб келинмоқда. Бу ҳол чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Чорвачиликнинг озуқа билан қониқарсиз таъминланишидаги асосий сабаблардан бири шундаки, хусусийлаштирилган кўпгина ҳўжаликларнинг раҳбарлари озуқа экинлари учун ажратилган ерлардан самарасиз фойдаланиб, экинлардан ҳам ҳосил олмақдлар, озуқабоп экинлар таркибини такомиллаштириш, аралаш, такрорий оралиқ экинлар экиш, серҳосил экинларни кўпайтириш ишлари билан шуғулланмаётдилар. Озуқа етиштиришда юқори кўрсаткичларга эришган ҳўжаликлар тажрибаларидан фойдаланмаётдилар. Натижада ўтган йили Қорақалпоғистон Республикасидаги барча тоифадаги ҳўжаликларда пичанга мўлжалланган беда ҳосили гектарига 52, Навоий вилоятида 64, Сирдарё вилоятида 77, Тошкент вилоятида 82 центнерни, силос ва кўк озуқа учун мўлжалланган маккажўхори ҳосили Қорақалпоғистон Республикасида 64, Жиззах вилоятида 61, Сирдарёда 78, Қашқадарёда 112, Самарқандда 130 центнерни, илдиэ-поя мевалари гектарига Навоий вилоятида 12,2, Қашқадарёда 139, Жиззахда 146 центнерни ташкил қилди. Булар республика бўйича ўртача ҳосилдорликдан деярли 1,5-2 ҳисса камдир. Экиш мuddатининг ҳамда бошқа агротехник усуллар технологиясининг бузилиши натижасида, асосий, такрорий ва оралиқ экинлардан Кегейли, Комсомолобод, Когон, Хатирчи, Музробод, Ш. Рашидов, Зомин, Бўқа, Жомбой, Шовот ва бошқа қатор ҳўжаликларда ниҳоятда паст ҳосил олинмоқда, бир гектар ердан олин-

ётган озуқа бирлиги атиги 2-4 тоннани ташкил этмоқда, холос. Бу мавжуд имкониятлардагидан 2-3 марта кам, демакдир.

Айни пайтда вилоятларнинг, айниқса, Наманган вилоятининг ҳар гектар ердан 10-12 тоннадан озуқа бирлиги олаётган қатор ҳўжаликлар олимлар, мутахассисларнинг тавсияларига амал қилиб, бу кўрсаткични 15-20 тоннага етказиш йўлида муайян ишларни амалга оширмоқдалар.

Шу муносабат билан республика қишлоқ ҳўжалик вазирлиги томонидан жорий йилнинг 20 майида Наманган вилоятининг Наманган ва Учқўрғон туманларида республика кўрсатув-семинари ташкил этилди. Унинг қатнашчилари озуқабоп аралаш экинлар етиштириш, ҳосилни йиғиштириб олиш, тайёрлаш ва сақлаш, дон учун соя етиштириш илғор технологияси, шунингдек, иккинчи (ёзги) экинлар йиғиштириб

вало озуқа экинларининг сифатли уруғлари қандли жўхори (сорго), озуқабоп нўхот, тритикале, сербаргли сули, рапс, маккажўхори уруғларини ҳўжаликнинг ўзида етиштириш йўлга қўйилган. Ҳўжалик бу экинларнинг уруғлари билан вилоят, ҳатто республика ҳўжаликларини таъминлайди. Иккинчидан, ҳўжаликда озуқа базасини мустаҳкамлашдаги муҳим омил — бу ҳар гектар ердан йилига икки марта ҳосил олишнинг йўлга қўйилганидир. Шунингдек, кўп таркибли аралаш озуқа экинлари етиштириш озуқаларнинг тўйимлилигини ва иштаҳа билан ейилишини таъминламоқда. Эски бедзорларга октябр ойида ўғит солиш, тритикале, арпа, нўхот сеппи таъмирлаш одат бўлиб қолган. Бу эса ҳар гектар майдондан 400-500 центнердан юқори сифатли ва тўйимли, кўк озуқа олиш имкониятини бермоқда. Бир майдондан икки марта ем-хашак олиш учун бу ерда октябр ойида қуйидаги аралаш озуқабоп экинлар (гектар ҳисобида) — нўхот (30 кг) + тритикале (60 кг) + сербарг сули (50 кг) + рапс (2 кг) экилиб, май ойининг ўрталарида молларга едириш ва донли сенаж учун гектаридан 400-500 центнер ўта тўйимли, кўк озуқа ўриб олинди. Мана шу майдонга яна 1 июлгача маккажўхори (40 кг) билан қанд жўхори (8 кг) экилиб, ҳўжаликка сентябрь ойининг охири, октябр ойининг бошида гектаридан 500-600 центнердан кўк поя ўриб олиб, қанд билан тўйинтирилган силос бостириш имконияти беради. Март-апрель ойларида маккажўхори (35 кг/гек) экилса, бундан ҳам икки ҳосил (биринчи ўрим июль ойида — 500-600 центнер ва иккинчи ўрим октябр ойида 300-400 центнер) олиш мумкин. Ем-хашак базасини мустаҳкамлашда июль ойида бошоқли дон экинлари ўриб олингандан кейин маккажўхори (50 кг/гек) + жўхори (12 кг/гек) ёки хашак нўхот (30 кг/гек) + тритикале (70 кг/гек) + кунгабоқарлар (10 кг/гек) + сербарг сули (50 кг/гек) мажмуида экин экиш катта манба ҳисобланади. Бунда ҳар гектаридан 300-400 центнердан кўк озуқа олиш мумкин. Ем-хашак тайёрлаш ишларига шу йўсинда ёндошиш натижасида ҳар гектар майдондан озуқа бирлиги ҳисобида ем-хашак цехларида қайта ишлаш ва тўйинтиришни талаб қилмайдиган 15-20 тоннадан ем-хашак олиш имконияти беради.

Ем-хашак етиштириш борасидаги мажмуида тажриба айни пайтда катта иқтисодий самара ҳам беради. Бунда бир озуқа бирлигининг таннархи бошқа ҳўжаликлардагига қараганда 3-4 марта кам — 32 тийинни ташкил қилади, аммо едириладиган ем-хашакнинг фойдаси эса 20-25 фоиз юқоридир.

Кўриниб турибдики, кўпгина ҳўжаликлардаги чорвачилик озуқаси базаси ноқорлигининг сабаблари озуқабоп экинлар экиладиган майдонларнинг етишмаслигида эмас, балки мавжуд ем-хашак тайёрлаш манбаларига ҳўжасизларча муносабатда бўлишда, такрор оралиқ озуқабоп экинларнинг аҳамиятига етарли баҳо бермай, уларни етиштириш ва йиғиштириб олиш технологиясига риоя қилмасликдадир.

Ю. ШКРЯБИН,  
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ  
ҳўжалик вазирлиги  
ем-хашак ишлаб  
чиқариш бошқармаси бошлиғи.

олингандан кейин силос учун маккажўхорини қанд жўхори (сорго) билан қўшиб экиш технологиялари билан танишдилар.

Семинарнинг асосий мақсади ҳўжаликлардаги бир гектар майдондан икки марта юқори ҳосил олишнинг илғор технологиясини, бошоқли, дуккакли, аралаш кўп компонентли экинлар ҳисобида тўйимлилиги бўйича мувофиқлаштирилган озуқаларни бевосита даланнинг ўзида кам харажат сарфлаб етиштириш илғор технологиясини амалда кўрсатишдан иборат эди. Шунингдек, бу семинарда 0,3 гектар ердан 35-45 центнер озуқа бирлиги етиштириш имкониятлари ва бу билан шартли мол бошига бир йилга етарли озуқа тайёрлаш мумкинлиги ҳам намойиш этилди.

Масалан, Наманган туманидаги "Иждокор" ҳўжалигида (раис Абдураҳмон Абдурахимов) чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш муаммоси асосий озуқа экинлари майдони кенгайтирилмасдан ҳал этилмоқда. Бунга озуқа етиштиришни жадаллаштириш, экиладиган озуқа экинларини таркибан тўйимлилиги бўйича чорвачиликнинг мувофиқлаштирилган озуқага бўлган талабига қаратиб ишлаб чиқаришга озуқа тайёрлаш ва сақлашнинг илмий асосланган технологиясини жорий этиш орқали эришилмоқда. Бу ҳўжаликда 1994 йили асосий озуқа экинлари майдони 1990 йилдаги 241 гектардан 158 гектарга, яъни 32 фоиз қисқартирилди. Аммо бу озуқа базасининг ҳолатига ва чорвачиликнинг ривожланишига асло таъсир этмади. Қорамоллар сони 10 фоиз, сўт етиштириш 7 ва гўшт тайёрлаш 18 фоиз кўпайди. Сигирлар маҳсулдорлиги 3128 килограммга етказилди ёки 1990 йилдагига нисбатан 147 килограмм ортқ сўт соғиб олинди.

Бу ютуқларнинг сирини нимада? Ав-

**Касаба уюшмаларида****"Ишонч" муҳбирлари хабар қиладилар:**

БОЗОР иқтисодиётига ўтиш босқичида аҳолининг кенг қатламини ижтимоий ҳимоялашга эришиш касаба уюшмаларининг бош вазифаси бўлиб қолмоқда. Наманган вилоят касаба уюшмалари кенгаши фаолларининг Янгиқўрғон туманида уюштирилган йиғилиши асосий йўналиши ана шу мақсадга қаратилди. Гуруҳ аъзолари икки кун давомида жойларда бўлиб, Президент фармонлари ва республика ҳукуматининг бу борадаги қарорлари қандай бажарилаётганлиги билан танишдилар, ҳўжаликлар, қурилиш ташкилотлари, саноат корхоналари ва давлат муассасалари бошланғич касаба уюшма кўмиталарининг фуқароларни ижтимоий ҳимоялашдаги фаолиятларини ўргандилар, хато камчиликларни бартараф этиш юзасидан йўл-йўриқлар бердилар.

МАОРИФ ходимлари касаба уюшмаси Каттақўрғон шаҳар кўмитаси ташкилотчилигида "Ўқитувчи-95" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда шаҳардаги 16-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Дилбар Бобомуродова биринчи, 8-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Карима Раҳмонбердиева иккинчи, 4-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Шаҳодат Ҳақимова учинчи ўринни эгалладилар.

Ғолибларга шаҳар ҳокимлиги ва маориф ходимлари касаба уюшмаси кўмитасининг совгалари ва фахрий ёрлиқлари топширилди.

МАҲАЛЛИЙ ва мебель саноати, коммунал ва маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси вилоят кўмитаси тармоқ ходимларининг спартакиадасини ўтказди. Тадбир ичида волейбол, шахмат, шашка, кураш, стол тенниси бўйича қизгин беллашувлар бўлди. 15 командада 300 дан зиёд спортчи ўзларининг бор маҳоратларини кўрсатишга ҳаракат қилдилар. "Сувоқава" ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари ғолиб чиқдилар. Вилоят газ бошқармаси, "Хива сополи" ҳиссадорлик жамияти спортчилари иккинчи-учинчи ўринларни эгалладилар.

— 700 ТАЛАБА бепул ётоқхона билан таъминланган, — дейди Фарғона Давлат университети талабалар касаба уюшмаси кўмитаси раиси Шавкатжон Эшматов. — Бизда 120 ўринли намунали санаторий-профилакторий бор. Ҳар ойда юз нафар талаба дардан сўнг бепул дам олиб, даволанади. Уч маҳал мазали таом, малакали муолажадан баҳраманд бўладилар. Бош шифокор Муҳаббатхон Муҳаммадиева профилакторий ишини намунали ташкил қилган. Бундан ташқари юз нафар талаба бепул тушлик билан таъминланган. Ҳар йили республика санаторийларига 22 та йўлланма берамиз. Талабаларнинг 42 фоизи аъло ва яхши баҳолар билан ўқигани учун қўшимча стипендия тўланади. Шоҳимардонда ҳам соғломлаштириш лагеримиз бор. Барча талабалар ёзда навбат билан 12 кундан дам олиб, чиниқадилар. Лагерь учун талаба йўлланма ҳақининг бор-йўғи 10 фоизини тўлайди. Спорт билан шуғулланишимиз, мусобақалар ўтказиб, совринлар бериш учун ҳам университет ректорати етарли маблағ ажратган.

ЎТГАН йилнинг январь ойида касаба уюшмалари Сирдарё вилояти кенгаши қошидаги ўқув — услубий маркази тугатилиб, унинг ўрнига ўқув — услубий кабинети ташкил этилган эди. Бу ерда касаба уюшма фаолларини ўқитиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Касаба уюшмалари фаолиятига бағишланган адабиётларни тўплаш, тармоқ кўмиталарининг буюртмалари асосида ўқув дастурларини тайёрлаб бериш, ўқитувчиларни танлаш, фаолларни ўқитиш шулар жумласидандир. 1995 йилнинг биринчи чоригида агро-саноат ходимлари касаба уюшмалари фаолларидан 108 киши, соғлиқни сақлаш, маданият, автотранспорт касаба уюшмалари фаолларидан 52 киши малака оширишди.

Ўқув — услубий кабинети бошқа соҳа ходимларини ўқитиш бўйича воситачилик вазифасини ҳам адо этмоқда.

ЖИЗЗАХ вилоятида 11 та ҳунар-техника билим юртлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда минглаб ешлар халқ ҳўжалигининг турли соҳалари бўйича касб-ҳунар сирларини кунт билан ўрганишмоқда. Ешлар ўртасида "Энг яхши мутахассис" кўрик танловлари тез-тез ўтказилиб турибди. Навбатдаги кўрик-танловда ҳунар-техника билим юртларининг талабалари — кичик тарбиячилар ва ошпазлар иштирок этдилар. Аввало, улар билим юртларида куч синашдилар ва вилоят миқёсига йўлланма олдилар.

Вилоят миқёсидаги маҳорат беллашувида 18 нафар кичик тарбиячи ва ошпазлар иштирок этди. Улар орасида фахрли биринчи ўрин 19-ҳунар-техника билим юртининг ўқувчилари М. Аҳмедова, Н. Низомоваларга насиб этди. Кейинги ўринларни Ғаллаорол туманидаги 5-сон ҳунар-техника билим юртининг еш ҳунармандлари Д. Нормуродова, Н. Соатова, Н. Равшановалар олишди. Кўрик-танлов ғолибларига мукофотлар топширилди.

Ўз муҳбирларимиз.

**Гўшт, сўт  
КЕСКИН  
КўПАЯДИ****ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ**

Аҳолининг ёгочга бўлган талабини қондириш юзасидан республика бўйлаб бошланган ватанпарварлик ташаббуси Наманган вилоятида ҳам кенг қанот ёзмоқда. Бу эзгу ҳаракатга Тўрақўрғон нефть маҳсулотлари корхонаси жамоаси биринчи рақиб қаторида қўшилдилар. Корхона шартнома асосида тумандаги "Олтин водий" жамоа ҳўжалигининг Сирдарё оқаётган худудигадек бекор ётган бир гектар ташландиқ майдонни ажратиб олиб, у ерда теракзор бунёд этишга киришди. Эрта баҳорда бошланган бу иш ўз самарасини берди. Ҳозир 5 минг тупдан ортқ кўчат ўтказилган майдонда ниҳоллар кўкариб қолди.

— Тераклар вояга етгач, биз ундан корхонамиз эҳтиёжи учун иморатлар қуришда фойдаланамиз, — дейди корхона бошлиғи

Убайдулла Абдуллаев, — шунингдек, ишчи-хизматчиларимизга уй-жой тиклаб олишларида ердан берамиз.

Ҳа, Убайдулла Абдуллаев сизгари ишбилармон раҳбарлар сифати кенгайверсин!

Кувасой гишт ишлаб чиқариш корхонасида ўртача маош 1200 — 1300 сўмни ташкил этапти. Режани 100 фоиздан оширган ишчиларга маошнинг 70 фоизи миқдоридан мукофот берилади.

Яқинда бу ерда 16 та оилага уй берилди. Маъмурият ва бошланғич касабақўм қарорига биноан бу уйлар ишчилар сулоласини ташкил этган ва корхонада кўп йиллар хизмат қилган ишчиларга ва фахрийларга тақсимланди.

Республикамиздаги ўнлаб ун комбинатларида ун қопчиқлари

етишмай қоляпти. Бу муаммони Жиззах шаҳридаги "Зилола" очик турдаги ҳиссадорлик жамияти тадбиркорлари ижобий ҳал қилишди. Бу ерда пахта ва сунъий тоналардан таркиб топган пишқ матодан ун қопчиқлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Дастлабки маҳсулот вилоятнинг "Дўстлик" ун комбинатида синавдан ўтказилди. Синов гуруҳи қоплар Россия ва Беларусдан келтириляётган маҳсулотдан кўра афзал эканлигини тасдиқлади ва ўта чидамли деб топилди.

Ҳиссадорлик жамияти жамоаси бир кунда икки минтагача қоп тайёрламоқда. Дастлабки туркум қоплар "Дўстлик" ва Толдиқўрғон ун комбинатларига жўнатилди.

# ТАЛАБГА ҚАРАБ ТАКЛИФНИ БОШҚАРИБ БОРИШ

Абдуқодир ўғли АБДУСАДИР —

иқтисод фанлари доктори, профессор.

Ҳозирги замонда ишлаб чиқариш асосан бозор ва баҳога таянади. Бозорда истеъмолчи бошқарувчи бўлиб, у ўз эҳтиёжига мос тушадиган буюмларни ишлаб чиқаришга даъват қилади.

Истеъмолчи нима ва қанча хоҳлайди? Буни билиш учун бозорни ўрганиш керак. Бозорни ўрганишда қуйидаги масалаларга эътибор бериш керак:

1. Муайян ўрганилаётган бозорга кимлар чиқаяпти? Кўтара сотувчилар, чакана сотувчилар, кўтара ва чакана олувчилар, тасодифий сотувчи, олувчилар. Уларнинг салмоғи.

2. Харидорлар сотиб олаётган маҳсулотларга тегишли қандай қарорлар қабул қиладилар? Катта миқдорда, кичик миқдорда сотиб оладиларми? Битта сотувчидан ёки бир нечта сотувчидан сотиб оладиларми?

3. Маҳсулотни сотиб олишга тегишли қарорларни қабул қилишда кимлар қатнашади? Фирма, ташкилот раҳбари, савдо-сотик бўйича мутахассис, ёлланган мутахассис.

4. Сотиб олувчиларга асосий таъсирни ким кўрсатади? Ташкилот, фирма раҳбари, молия бўйича мутасадди ёки бошқалар.

5. Сотиб олувчилар айнан нимага қараб товарни сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қиладилар.

Одатда у ёки бу товарни сотиб олиш тўғрисида қарор қуйидаги омиллар ҳисобга олиб қабул қилинади:

товарнинг техник кўрсаткичлари; баҳо чегаралари; етказиб бериш вақти ва шартлари; техник қаров ўтказиш шарт-шароитлари автомобиль, дастгоҳлар, телевизор, совутич, чанг ютигичлар учун: пул тўлаш шартлари, буюртма миқдори.

Одатда у ёки бу товарни сотиб олиш тўғрисида қарорни моддий-техника таъминоти агенти ёки махсус сотиб олиш ишлари билан шугулланган вице-президент қабул қилади.

Товар кўп миқдорда сотиб олинса унинг баҳосининг паст бўлиши ва имтиёзли комплекс хизматлар кўрсатилиши муҳим роль ўйнайди.

Энди талаб ва таклиф тушунчаларига тўхталиб ўтсак. Одамлар томонидан харид қилинадиган буюмларнинг миқдори баҳога боғлиқ; товарнинг баҳоси қанча баланд бўлса, уни шунча кам ва аксинча нарх қанча паст бўлса, шунча кўп сотиб олишади. Нарх пулга тўғри келадиган товар миқдорини белгилайди.

Баҳо ва сотилган товарнинг миқдори орасидаги боғланиш талаб чизиги дейилади. Нарх ўзгариши билан талабнинг ўзгаришини қуйидаги мисолда таҳлил қиламиз.

1 кг. буюдунинг нархи, сўм	Талаб миқдори бир ойда, минг тонна
20	0,5
15	0,7
10	1,0
5	1,5
1	2,0

Энди ушбу мисолни график шаклида ифода этсак.



Келтирилган графикдан кўриниб турибдики, миқдор ва баҳо бир-бири билан боғланишда бўлади. Талаб чизиги барча товарлар учун юқоридан пастга қараб йўналади. Талаб чизигининг юқори қисми талабнинг камайиб ва пастки қисми аксинча ошиб боришини кўрсатади. Талабнинг камайиб бориш сабаби нимада? Аввало, нархнинг ҳаддан ташқари ўсиб кетишида. Товарнинг нархи ҳаддан ташқари юқори бўлса — уни фақат жуда бой, пулдор одамлар сотиб олиш имконига эга бўладилар. Нарх паст бўлса, бу ҳолат янги истеъмолчиларни олиб келади. Ундан ташқари нарх паст бўлса, бу ҳолат ҳар бир харидорда шу маҳсулотдан

кўпроқ олиш иштиёқини уйғотади ва аксинча нархнинг ошиб бориши, уни маҳсулотдан камроқ олишга мажбур қилади.

Бозор иқтисоди шароитида талабга қараб таклиф вужудга келади деган нақл бор. Талаб ва таклиф нима деган тушунчани кўрайликда, кейин талаб ва таклиф бир-бирига мос келса қандай бўлишини таҳлил қиламиз.

Таклиф чизиги бу бозордаги нарх билан ишлаб чиқарувчилар сотишга рози бўлган маҳсулот миқдори орасидаги боғланишдир. Яна мисолга мурожаат қиламиз.

1кг. унинг нархи	Сотувчилар томонидан етказиб берилган унинг миқдори, минг тонна
20	2,0
15	1,5
10	1,0
5	0,5
1	0


Энди жадвалда келтирилган мисолни график шаклида ифода қилсак қуйидаги шакл келиб



чиқади.

Таклиф чизиги ҳар доим, барча товарлар учун пастдан юқорига қараб йўналади. Бунинг сабаби нарх ошган сари таклиф ўсади.

Талаб ва таклиф чизикларини биргаликда қўшиб таҳлил қилинса муозанат нуқтаси, яъни талаб билан таклиф бир бирига мос тушиб,



рақобатлашадиган нарх белгиланади.

1 кг унинг баҳоси 10 сўм бўлган нуқтада талаб 1000 тонна, таклиф ҳам 1000 тонна. Лекин бу муозанат нуқтасидан юқорига кўтарилса талаб кам, таклиф кўп, пастга тушилса, аксинча талаб кўп, таклиф кам. Иккала ҳолатда ҳам нарх мувозанати бузилади. Талаб кам бўлиб, таклиф кўп бўлса нарх пасаяди ва таклиф кам бўлиб талаб кўп бўлса нарх юқорига кўтарилади. Нархнинг бошқарувчи механизми ҳам айнан ана шунда.

Оила ҳўжалигини ривожлантиришни талабнинг ва таклифнинг миқдорини ҳисобга олиб бориб амалга ошириш мумкин.

У ёки бу бозор тўла ўзлаштирилиб бўлгач, бошқа бозорларни ўзлаштиришга киришиш керак. Бозорни ўзлаштириш одатда энг аввал ишбилармон ўзи яшаб турган ҳудудда, кейин туман, шаҳар, вилоят, давлат, хорижий давлат бозорлари ўзлаштириб борилади.

Ишбилармонлар маълум миқдorni ўзлаштириб тўхтаб қолишлари мумкин эмас. Ривожланиш, янги бозорларни ўзлаштириш жараёни узлуксиз давом этиши керак. Жаҳондаги кўп катта компания, фирмалар қачонлардир ўз ишларини кичкина миқёсдан бошлаб, 15-20 йилдан кейин катта фирма, компанияга айланганлар. Ривожланишнинг чеки йўқ.



## БИРИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО АВТОСАЛОНИ

Тошкентдаги "Динамо" спорт саройида илк бор халқаро автомобиль кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда жаҳондаги етакчи ишлаб чиқариш корхоналарининг автомобиллари, автофургонлари, ҳаракат ҳамда анжомларидан намуналар намойиш этилди. Кўргазма павильонларига "Тойота", "Фольксваген", "Сони", "Шелл Интернэшнл Петролиум Компани" каби машҳур фирмаларнинг маҳсулотлари фойз киритди.

Мустақил Ўзбекистонимизда бу янглиғ нуфузли кўргазма биринчи мартаба ўтказилди. Албатта, бундай тадбирлар автомобил саноатининг тараққиёти билан яқиндан танишиш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва харидорларнинг фойдали мулоқотларига замин бўлади.

"TIMS-95" Биринчи Тошкент халқаро Мото-Шоу кўргазмасининг очилишида автото кўргазмалар ташкил этиш бўйича "ИТЭ Интернэшнл Перейд энд Экспозишнз ЛТД" қўшма корхона фирмасининг Бош директори жаноби Жулиэн Жексон Тошкент шаҳар ҳокимиятига кўргазмани ташкил этиш ва ўтказишда фаоллик кўрсатганлиги учун миннатдорчилик, шунингдек бундай анжуманларни доимо ўтказиб турилишига тилак билдирди.

"Ишонч" мухбири.

Суратларда: кўргазмага қўйилган автомобиллар.

В. Иванов ва В. Харитонов олган суратлар.

## ИЛМИЙ АНЖУМАН

Бир неча ўн йиллардан бери Ўзбекистон Фанлар академияси Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлғезмалар институтида қадимий ёзувларни, уларда битилган едгорликларни ўрганиш бўйича қатор илмий ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда институтида Марказий Осиё халқлари ёзув маданияти тарихига бағишланган илмий анжуманда қадимий езма едгорликларни ўрганиш ишининг тадрижий тараққиёти ва шу соҳа фаолияти тўғрисида муфассал маълумот берилди.

Илмий анжуманда ЎзРФА мухбир аъзоси А. Қаюмовнинг

"Авеста ҳақида икки форсча манба", тарих фанлари доктори М. Исҳоқовнинг "Хоразмий хатининг қадим ёзув маданияти-мизда тутган ўрни ҳақида", — филология фанлари доктори Қ. Содиковнинг "Эски уйғур ёзувининг араб ёзуви билан енма-ен ишлатилувининг ижтимоий-сиёсий сабаблари" мавзуларидаги маърузалар тингланди. Анжуман ишида қатор ёш олимлар ўз маърузалари билан иштирок этдилар.

Зоҳиджон ИСЛОМОВ, Ўзбекистон ФА Ҳамид Сулаймонов номидаги қўлғезмалар институти илмий котиби, филология фанлари номзоди.

Редакциямизга жуда кўп нафаслар бола 2 ёшга тулгунча ёш болага қараганлик учун туланадиган ҳар ойлик нафақаларнинг миқдорини, бу нафақаларни туланиш муддатлари, қандай ҳужжатлар зарурлиги ва қаердан олишлари тўғрисида мурожаат қилинади. Бу ҳақда маълумот беришни сўраб Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлигининг етакчиси мутахассиси Мастура ХОЖИМАТОВАга мурожаат қилдик.

Икки ёшга етгунча қадар ёш болага қараганлиги учун ойлик нафақа 1994 йил 28 июлда Ўзбекистон Меҳнат вазирлиги ва Республика Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган 85-сонли Низомга асосан тайинланади ва туланади. Болага қараганлиги учун туланадиган нафақа миқдори 1994 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида урнатилган энг оз иш ҳақининг 20 фоизи миқдорига белгиланган эди. 1994 йил октябрь ойида компенсация туловлари жорий қилиниши муносабати билан сентябрь, октябрь ойлари учун 100 сумдан, ноябрь, декабрь, 1995 йил январь, февраль ойлари учун 150 сумдан компенсация қўшиб туланди.

1995 йил 1 мартдан компенсациялар тулови бекор қилиниб, бола 2 ёшга тулгунча туланадиган нафақа миқдори 250 сум қилиб белгиланди. Бу нафақа онага иш (уқиш) жойидан агар она ишлаган (уқимаса) яшаб турган жойидаги ижтимоий таъминот бўлими томонидан тайинланади ва туланади. Бу нафақа онага меҳнат стажидан қатъий назар ҳар ойда берилади. Болага қараганлиги учун нафақа бола тутилган куннинг кейинги ойдан бошлаб 2 ёшга тулгунча қадар тулаб борилади. Агар қаров 2 ва ундан ортиқ бола парвариши буйича амалга оширилаётган бўлса, унда нафақа болаларнинг энг кичиги 2 ёшга тулгунча қадар туланади.

\*\*\*

**Бу нафақани тайинлаш учун қандай ҳужжатлар талаб қилинади?**

Болага қараганлиги учун нафақа тайинлашга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади.

а) болага қараб турганлиги учун нафақа тайинлаш тўғрисидаги ариза.

б) Бола тутилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нусخаси.

Ишламайдиган оналар эса қўшимча равишда ижтимоий таъминот органларига яшаш жойидаги маҳалла қўмитасидан ишлаганлиги тўғрисида маълумотнома ёки меҳнат дафтрасини тақдим этишлари керак.

\*\*\*

**Агар она бу нафақани олишни сўраб ўз вақтида мурожаат қилмаган бўлса қайси муддатдан туланади?**

Болага қараганлиги учун нафақа тулашни сўраб ўз вақтида мурожаат қилинмаганда, нафақа мурожаат этилган ойдан эътиборан утган 3 ой вақт учун туланади.

Агар болага қараб турганлиги учун нафақа тайинланган бўлса, аммо ўз вақтида талаб қилиб олинмаган

бўлса, унда 6 ойдан кўп бўлмаган вақт учун туланади. Агар нафақа тулови маъмурий органнинг айби билан туланмаган бўлса, утган вақт учун чекланмаган муддатта туланади.

\*\*\*

**Мен 1937 йилда тутилганман, 58 ёшдаман. 33 йил тиббий ходим бўлиб ишладим. Шундан 8 йилда ички ишлар хўшёрхонасида (медветрезителда) фельдшер бўлдим. Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган 3-сонли рўйхатга хўшёрхонада тиббий ходим бўлиб ишлаганларга имтиёзли пенсия тайинлаш кўрсатилмаган деб ижтимоий таъминот бўлими ходимлари рад жавоби беришди. Шу тўғрисида?**

Э. Исмоилов, Хоразм вилояти, Ургенч шаҳри.

Ҳурматли Эгамберди ака. 1994 йил 1 июндан кучга кирган пенсия қонунига асосан шифокорлар ва бошқа тиббий ходимлар шаҳар жойларда махсус иш стажлари камида 30 йил, қишлоқ жойларда камида 25 йил булган тақдирда қарилик пенсияси тайинлаш учун талаб қилинадиган ёшдан аввал имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган 3-сонли рўйхатга хўшёрхонадаги тиббий ходимларга имтиёзли пенсия тайинлаш кўрсатилмаган.

\*\*\*

**Мен пенсионерман. 1979 йил январь ойида тутилган фарзандимга нафақа туланадими?**

Қурбонали Болтаев, Хоразм вилояти, Хазораси тумани.

Қурбонали ота! Ўзбекистон Президентининг 1994 йил 16 июндаги «Болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдами тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони асосан 1994 йил 1 сентябрдан бошлаб, 16 ёшга фарзанди булган барча болали оилаларга, уларнинг даромадидан қатъий назар болалари 16 ёшга тулгунча ҳар ойлик нафақа туланадиган бўлди. Бунда нафақанинг миқдори оиладаги болалар сонига қараб белгиланади. Сизнинг 1979 йил январь ойида тутилган фарзандингиз 1995 йил январь ойида 16 ёшга тулган. Демак, уларнинг нафақа тайинлашга асос йўқ. Бир йўла яна шунини маълум қиламизки, 1995 йил 1 апрелдан бу нафақа миқдори 2 баробар оширилди.

\*\*\*

**Мен Чернобил ҳалокатини тугатиш иштирокчисиман. 1986-88 йилларда солдатлик бурчимни ўтаганман. Оилалиман 3 та фарзандим бор. Менга**

пенсия қандай тартибда туланиши керак?

Қ. Тоҳиров, Андижон шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил апрелдаги «Чернобил ҳалокати туфайли зарар курган Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги 170-сонли қарорига қура, Чернобил ҳалокати туфайли зарар курган шахсларга ногиронлик пенсияси муддатли хизматдаги ҳарбий хизмати сифатида тайинланган бўлса, уларга 1990 йил 28 апрелдаги «Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонун буйича қолдирилади. 1994 йил 1 июндан кучга кирган янги пенсия қонунига асосан қайта ҳисобланмайди ва қарамогидида меҳнатга қобилиятсиз болалари учун берилаётган қўшимча ҳам туланади. Уларга пенсия энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан ҳисобланади. 1995 йил 1 мартдан уларнинг пенсия миқдори компенсация олиб ташлангач, иш стажидан қатъий назар 350 сумга оширилди.

\*\*\*

**Мен 1980 ва 1985 йилларда иш давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланганман. Қарилик пенсияга чиққананда пенсиямга қўшимча бериладими?**

Ш. Осмонов, Андижон вилояти, Избоскан тумани.

Амалдаги пенсия қонунчилигида Фахрий Ёрлик учун пенсияга қўшимча қўшиб кузда тутилмаган. Қонунда Республика олдидаги хизматлари учун Фахрий унвонга эга булган фуқароларнинг пенсиясига қўшимча берилади.

\*\*\*

**Мени 3 та фарзандим бор. 2 та қизим карсоқов бўлиб, бири 12 ёшда, бири 7 ёшда. Шу болаларимга пенсия туланадими? Ижтимоий таъминот ходимлари пенсия берилади дейди, аммо медицина ходимлари соқов болаларга пенсия берилмайди деб маълумотнома беришмапти.**

Азиза Миродалиева, Наманган вилояти, Чуст тумани.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг 1993 йил 31 декабрдаги 673-сонли буйруғи билан тасдиқланган 16 ёшга булган болаларга ногиронликни аниқлаш ва нафақа тулаш буйича тиббий курсатма рўйхатида карсоқовларга болаликдан ногиронлик белгилаш курсатилган. Сизнинг фарзандларингизга ногиронлик белгиланмаётган бўлса вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат қилишингизни тавсия этамиз. Агар яшаб турган жойингиздан фарзандларингизга ногиронлиги тўғрисида тиббий назорат комиссиясининг (ВКК) хулосаси беришса, уларга пенсия тайинлаш масаласи ҳал этилади.

## МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

### «Ишонч» мухбирлари хабар қиладилар:

Жиззах вилояти корейс миллий-маданий маркази ўз фаолиятини милодларро муносабатларини уйғунлаштиришга, халқлар ўртасида дусллик ва ҳамжihatлиқни мустақамлашга қаратмоқда. Шунингдек, марказ ўз миллий қадриятларини тиклаш, маданият ва санъат асарларидан бошқаларни баҳраманд этиш мақсадида дастур тузиб, уни бажаришни назорат қилапти.

Яқинда Жиззах шаҳрида Юнус Ражабий номли мусиқали драма театрида вилоят корейс миллий-маданий маркази ташаббуси билан «Мақна» корейс ашула ва рақс дастасининг концерти илк бор намойиш этилди. Мазкур даста корейсларнинг Тонкентдаги «Бирлик» халқаро бирлашмаси қониди ташкил этилган бўлиб, утган йили Пхеньянда утказилган «Апрель баҳори» халқаро талловининг совриндори булган эди.

\*\*\*

Хонқа туманидан Наргиза Султонова, Хива туман марказий касалхонаси хизматчиси Бектурди Хужасе ижро этган мумтоз ашулаларни кўрик-таллов ҳайати аъзолари юқори баҳолади. Хаваскор хонандаларнинг унчалик тажрибаси бўлмаса-да, уларнинг интилиши, ижрочилик қобилияти, овозининг ширалдорлиги ана шундай баҳога сазовор бўлди.

Кўрик-таллов дастлаб туманларда ва тармоқлар ўртасида утказилди. Миллий санъатини ривожлантириш, қадриятларимиз ва миллий анъаналаримизни тиклаш ва давом эттириш, еш талантларини излаб топиш кўрик-талловнинг асосий мақсади эди. Талловда биринчи ўринни маданият ходимлари касаса уюшмасининг бадний хаваскорлари олдилар. Уларга 2000 сум пул, эсдалик совғалари, биринчи даражали дипломлар топширилди. Деҳқончилик санъати мажмуи ходимлари касаса уюшмаси бадний хаваскорлари — иккинчи ўринни, халқ таълими ходимлари учинчи ўринни эгалладилар.

\*\*\*

Фарғоналик журналистларни рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоялаш ҳамда вилоятдаги таълиқли маъбуотчилар хотирасини эътиборан мақсадида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят танкилоти таллов эълон қилди. Абдулла Мирзасе, Аҳмад Ҳамдам, Шерали Тошматов ва Мамадали Муродов номдаги муҳофазатлар ҳар йили Ўзбекистон маъбуоти кўни фарғоналик журналистларга энг яқин асарлари учун топширилди.

Воқеани эшитганлар ҳайратдан еқа ушлаб, жабрланганларга ачиниш урнига уларнинг лоқайдигидан ранжидилар. Ахир бирорнинг тақдирини ишониб топширилган қонун ҳимоячиси ана шу қонун йўли билан ҳатто узини ҳимоя қилолмаसा нима булади? Еҳуд инсон саломатлигини муҳофаза қилишга, аниқроғи, кишиларнинг озиқ-овқат маҳсулотларидан заҳарланишининг олдини олишга маъсул одамларнинг узлари заҳарланиб қолишсачи?

Навоий вилояти санитария-эпидемиология станциясида ана шундай ачинарли ва аянчли ҳодиса юз берди.

Санитария-гигиена лабораторияси бир гуруҳ хотин-қизларининг кўнгли чалпақхўрликни тусаб қолди. Қачон дейсизми? Эр-талабданоқ. Лаборант Тамара Антонова ишга келганига ярим соат булар-булмас газ плиткага ут ёқиб, хамир қориб булгач, қозонга уннаб юборди. Кўп утмай, «масаллиги жойида булган» чалпақлар бирин-кетин тарелкага олинди. Зум утмай, стол устига сумалак келтирилиб, аччиқ чой ҳам дамланди. Эрталаб соат туққиз яримларда тушликни бошлаб юбордилар. Ҳамкасблар Тамара Антонова пиширган чалпақни сумалак ва чойга қўшиб, мактаб-мактаб истеъмол қилишга тушдилар. Тамадди давомида улардан айримлари чалпақдан ошхона судасининг ҳидини сезишди. Бироқ эътибор беришмади. Нафс кургур эътиборни эҳтиёж билан кумиб юборди-да...

Орадан ун беш минутлар чамаси вақт утгач, «вой-вой» лаганча Соҳиба Давлатова полга кулади. Шундан сўнг унинг ёнида утирган Шоира Тешабоевнинг боши айланди. Лаборант Тамара Яковлевна ҳам гандираклаганича ҳушидан кетди. Сал утмай, ҳамкасбларига ҳайрон бўлиб турган ҳамтовқларидан яна бири — Виктория Феноеева ҳам узини ташлаб юборди. Шошиб қолган лаборатория мудири Сабоҳат Эшмуродовани ҳам бу аянчли ҳолат четлаб утмади. Ҳатто ишни ташлаб уйига хамир қилиш

учун кетиб қолган Адолат Жураева ҳам қочиб қутулолмади бу қисматдан. Ахир у ҳам бебаҳра қолмаган эди-да.

Зудлик билан чақирилган «тез ёрдам» бир дастурхон атрофида бемаврид тушлик қилган олти тиббиёт ходимини ҳам касалхонага олиб кетди. Дарҳол беморлар реанимация хонасига ётқизирилиб, ташхис қуйилди. Уларнинг овқатдан заҳарланганлиги маълум бўлди. Заҳарланиш ута хавфли эди ҳаммасида. Шифокорлар дадил оёққа турмаганларида, бутун билим ва маҳоратларини ишга солмаганларида — уларнинг ҳа-

## ЧАЛПАҚХЎРЛИК

тини сақлаб қолиш мушкул эди...

Ниҳоят, хавф чекинди. Беморлар оёққа турдилар. Бироқ, воқеанинг содир бўлиши, содир булганда ҳам ана шундай ҳодисаларнинг келиб чиқишига қарши курашувчи тиббиёт ходимлари ўртасида юз бериши кишини ҳайратта солади.

Воқеа тафсилотлари урганилганда аён бўлдики, лаборатория ходимлари ўртасида меҳнат интизоми бушашиб кетган. Акс ҳолда овқатдан заҳарланган Виктория Феноеева, Соҳиба Давлатова, Адолат Жураева, Тамара Антонова, Шоира Тешабоевалар эрталаб соат туққиз яримдан тушлик қилишга утирмасдилар. Амалдаги қондага кура, лабораторияда овқатланиш таъқиқланади. Бироқ шунга қарамасдан лаборатория ходимлари ҳаминша шу ерда овқатланишди. Буни лаборатория Сабоҳат Давлатованинг қуйидаги тушунтириши хати ҳам тасдиқлайди. «Иш жойида овқатланиш учун алоҳида хона ажратилмаган. Биз таомларни ҳар кунги лаборатория хонасида истеъмол қиламиз...»

Хуш, булардан вилоят санитария-эпидемиология станцияси бош ҳақими Неъмат

Зарипов, унинг муовини Мели Қўчқоров, қолаверса санитария-эпидемиология техника хавфсизлиги муҳандиси Сафар Примовлар беҳабарми? Йўқ, албатта. Лаборатория ходимларининг ҳақли талабини қондиришга ожизлик қилишадиганлари туфайли уларнинг тиллари қисик.

Ходимларнинг овқатдан заҳарланишининг энг асосий сабаби масаласига келсак, туманлардан таҳлил учун олиб келинган уларнинг айримлари таркибида инсон ҳаёти учун ашаддий хавфли булган теодин заҳарли моддаси борлиги аниқланди. Аммо бу уларнинг қаердан келтирилганлиги номаълум.

Туманлардаги ун ишлаб чиқарувчи корхоналар текшириб қурилганда мазкур корхоналар маҳсулотларининг биронтаси таркибида теодин борлиги аниқланди. Ҳозир ана шу масала буйича Навоий шаҳар прокуратурасида жиноий иш қўзғатилган, булса ажаб эмас.

Агар сиз вилоят санитария-эпидемиология станцияси бош ҳақими Неъмат Ахтамович билан суҳбатлашсангиз, у узини мусичаибозор қилиб курсатишга уринади. Айбдорларни аниқлаш ҳуқуқ-тартибот органлари зиммасида эканлигини руқач қилади.

Бироқ нима булгандаям, аянчли воқеанинг бир учи вилоят санитария-эпидемиология станцияси раҳбарлигига бориб тақалишини, улар уларини гуноҳдан соқит қила олмасликлари ни Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарлари ҳам билиб қуйишлари керак.

«Чалпақхўрлик» қиламиз деб, узлари ҳам чалпақ бўлиб кетишларига бир баҳя қолганлар воқеаси бошқа санитария-эпидемиология станциялари жамоалари учун сабоқ бўлиши лозим.

Маҳмуд РУСТЕМОВ,  
Навоий вилояти касаса уюшмалари  
кенгаши меҳнат-техника назорати бўлими  
назоратчиси.  
Ризо ХУДОЙҚУЛОВ,  
«Ишонч» мухбири.

## ЯХШИЛИКДАН БИР ДАРАК

Оқ халатли нажоткорлар ичра мухтарам бўлиб, эъзозда юриш катта шараф. Халқнинг эътиборини қозониш ҳам бир қувонч. Бу қувончнинг масъулияти, уз юки бор. Шифокорликни танлаган ва бу муборак шарафни эъзгу касб ҳисоблаганлар асосан фидойилардир. Ҳозирги вақтинчалик иқтисодий қийинчиликлар даврида бу заҳматкаш касб эгаларини ижтимоий ҳимоялаш борасида анчайин силжишлар бор. Республика соғлиқни сақлаш касба уюшмалари Марказий Қўмитаси раисининг вазифасини бажарувчи Владимир Самойлович Вайнштейн билан мазкур суҳбатимиз мавзуси ижтимоий ҳимоя масаласига оид бўлди.

— Владимир Самойлович, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш аҳолининг янада яхшилаш борасидаги ислохотларнинг амалга ошириш ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг янги шакллари ривожлантириш кенг миқёсда олиб борилмоқда. Мен шифохона ва поликлиникаларда ташкил қилинган кундузги стационарлар, амбулатория-жаррохлик бўлимлари, ихтисослаштирилган нур буйича даволаш марказларининг жорий этилишини ҳам назарда тутаяпман. Натижада давлат буюджети ҳисобидан даволанаётган беморларнинг бир қисми кундузи шифохоналарда дардларига даво топиб, ҳам иқтисодий тежамкорликка замин яратилаётир, ҳам тиббий хизматнинг сифатини оширишга эришиляптир.

Албатта, соғлиқни сақлаш муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни янада ривожлантириш буйича муҳим ишлар амалга оширилди. 2218 дорихона, 202 тиббиёт-техник объектлари ҳамда барча вилоятларда фельдшер-акушер пунктларини хусусийлаштириш салмоғи биз кутган даражада. Натижада дори-дармонларнинг 50 фоиздан кўпроғи хусусий дорихоналар, қўшма корхоналар ва фирмалар ҳиссасига туғри келмоқда.

— Ҳаётимизнинг фаровонлиги бир қадар соғлиқни сақлаш ходимларининг турмуш даражасини кўтаришга, меҳнат самарадорлигини ошириш, бозор иқтисодий шароитида ижтимоий муҳофаза қила билиш, ишсизликдан сақлашдек тадбирлар замирига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу борада нималар дея оламиз?

— Туғри айтасиз. Шифокорларнинг узига ҳам гамхўрлик зарур. Шу боис касба уюшмалари билан соғлиқни сақлаш назирлигининг тиббий ходимларни ижтимоий ҳимоялаш борасида узаро битим имзоланган. Эндиликда мазкур шартнома асосидаги тадбирлар ҳам амалга оширилиб, уз самарасини бераётир. Республика касба уюшмалари соғлиқни сақлаш ходимларига ҳақ тулаш буйича йул қуйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида махсус ҳужжатлар тайёрланиб, юқори ташкилотларга юборилди. Айрим масалалар, ижобий ҳал этилди: суд-тиббиёт экспертиза соҳасида ишловчи тиббиёт ходимларининг маоши 25 фоизга оширилди, ҳарбий комиссариатга вақтинча жалб қилинган тиббиёт ходимларининг маошларига 30 фоиз миқдорда устама ҳақ туланидиган бўлди, тез ёрдам станцияларида ишлаётган ёрдамчи ва урта тиббиёт ходимларига узлуксиз иш куни учун қўшимча иш ҳақи ҳам туланимоқда ва ҳоказо. Аммо ойлик маошнинг миқдори тиббиёт ходимларининг малакасини оширишга, уларнинг категорияга эга эканлигига ҳам боғлиқлигини унутмаган ҳолда ҳар бир хизматчи доимо уз малакасини ошириб боришга мунтазам интиломоғи зарур.

Усма касаллигининг клиник кўриниши, кечилишига қараб икки гуруҳга бўлинади: хавфли бўлмаган усмалар ва хавфли усмалар. Хавфли усмалар, ёхуд рак касаллигини даволаш муаммоси тиббий фаннинг энг долзарб муаммосидир. Афсуски, кейинги йилларда ёмон сифатли усмаларнинг кўпайиб бориши қайд этилмоқда. У инсонлар улимнинг юрак-қон томир касалликларидан кейинги иккинчи асосий сабабидир. Усмаларни даволаш бўладими, деган саволга турлича жавоб бериш мумкин. Мен мутахассис сифатида бу қийин саволга — ҳа, даволаб бўлади, дейишимга тиббий илмий натижалар етарли даражада асос бўлади. Усмаларни даволашнинг бир неча ушлаб тур ва усуллари мавжуд. Ўзбекистон клиникаларида бу усуллар кенг қўлланилмоқда ва яхши самаралар бермоқда. Жаррохлик йули билан операция қилиб олиб ташлаш илгари етакчи уринда турар эди. Бугунги кунда эса, усмани нур билан даволаш, химиявий ва гормон дорилар ёрдамида муолажа қилиш, иммунологик ва бошқа усуллар кенг қўлланилмоқдаки, булар даволаш самарасини оширмоқда. Мен айтишим мумкинки, Ўзбекистонда бу дардни даволаш учун шарт-шароитлар ҳам, малакали мутахассислар ҳам мавжуд.

Усма касаллигини аниқлаш ва даволаш жараёнида одамларнинг бу дардга муносабати билан боғлиқ психологик муаммо алоҳида диққатга сазовор деб ҳисоблайман. Гап шундаки, аҳолининг асосий қўпчилиги усма касаллигини бедаво дард деб тушунадилар ва даволашнинг лозим бўлган табиий самарасига ишонсизлик ва умидсизлик билан қарайдилар. Бу қарашнинг асосий сабаби даволаш воситаларининг кучсизлигида эмас. Бу фикрнинг тушунарли бўлиши учун масаланинг баъзи томонларини айтиш зарурдир. Аввало, аҳоли уртасида усма касаллигининг табиати, кечилиши ва даволаш асослари ҳақида туғри ҳамда психологик ваҳимачиликдан ҳоли тасаввурни тарбиялаш лозим.

Бу иш албатта тиббий билимларни, чуқур илмий хулосаларни оммабоп қилиб тартиб қилишни талаб этади, қолаверса, фанда ва тиббиёт амалиётида эришилган илгор ечимлар ва хулосалардан самарали фойдаланиш, Ўзбекистоннинг жаҳон онкологияси ютуқлари билан баравар одам ташлашини таъминлаш муҳимдир. Сузимнинг дилини учун фан ва илмий изланишлар натижасига мурожаат этайлик. Биз олиб борган илмий изланишлар илмий адабиёт таҳлили шунинг курсатадики, беморда усма пайдо бўлиши билан унинг белгилари юзага келгунча икки йилдан саккиз йилгача вақт ўтади. Бу вақт ичнда 1 еки 2 усма ҳужайрасининг сони бир еки бир неча миллиардга ташкил этади. Демак, усмани даволаш натижалари паст бўлишининг сабабларидан бири унинг белгиларини кеч аниқлашдир. Даволаш натижалари паст бўлишининг яна бир сабаби кишиларнинг уз соғлиғига бефарқлиги

деб уйлайман. Афсуски, баъзан шифокорларимиз орасида ҳам усма белгиларига эътибор бермаслик учрайди. Онкология фани ютуқлари, биз олиб борган кузатишлар шунинг курсатадики, фақат усмаларнинг узига хос бўлган клиник белгилари йўқ. Усмаларнинг 400 тури маълум бўлиб, улар учун гуруҳ клиник белгилар билан кузатилади. Биринчи гуруҳ усманнинг хусусий белгилари, масалан, упка ракида йўтал, қон тушлаш, бачадон ракида қон кетиш, оғрик, лимфограмматоз касаллигида лимфа тугунчалари катталашуви ва бошқа-

## ЎСМА КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАБ БЎЛАДИМИ?

лар. Иккинчи гуруҳ клиник белгилар усманнинг атроф туқима ва органларга усишдан, усма асоратидан келиб чиқувчи белгилардир. Учунчи гуруҳ белгилар ҳоҳланганиш, сабабсиз чарчаш, камқонлик, психосоматик депрессия, иштаҳасизлик, озиш ва бошқалардир. Шунинг алоҳида қайд этиш зарурки, усма қанчалик кичик бўлишига қарамаддан узини билдиради. Масалан, баъзи усмаларда, хусусан ошқозон ости беши усмасида, суюк саркомаларида оғрик бўлади. Аммо купчилик усмаларда оғрик бўлмайди. Натижада бемор узича врач-онкологга учрашини хаёлига ҳам келтирмайди. Ваҳоланки, касаллиқнинг айни шу бошқичи даволашнинг самараси учун гўят муҳимдир. Бунинг учун куп нарса керак эмас. Инсон уз саломатлигига бепарво бўлмаслиги керак. Аҳолининг саломатлиги устидан тиббий назорат мазмунда онкологик кузатув доимий урин олиши, бу эса одамлар уртасида табиий қабул қилиниши керак.

Биз олиб борган кузатишлар шунинг курсатадики, купчилик беморлар усма касаллигининг белгилари пайдо бўлгандан сўнг ярим, бир йилдан кейин онкологларга мурожаат этишади. Бу дардда эса усма икки-уч мартаба катталашиб, ёхуд бошқа органларга тарқалишга улгурар экан, яъни усманнинг III-IV стадияси кузатилади. Бу стадияларда даволаш натижаларининг қониқарсиз бўлиши уз-узидан маълум. Шу ерда фан ютуқларига мурожаат этсак. Усмаларни 2-1 ста-

дияларида даволаш самарали бўлиб, улар 100-80 фоиз яхши натижалар беради. Даволаш натижаларини юқори даражага кўтариш усманнинг келиб чиқувчи сабабларини билиш билан боғлиқдир. Бу бедаво дард деб талқин этилувчи (аслида бундай эмас) дарднинг сабаблари нимадалиги ҳозирги кунларда кенг урганилмоқда ва жуда куп назариялар ишлаб чиқилган. Бахтга қарши, усмаларнинг келиб чиқишининг аниқ сабаблари фанга маълум эмас.

Бизнинг фикримизча, усма пайдо бўлишининг асосий сабаби еки сабабларидан бири муҳитнинг узгаришидир. У хоҳ микромуҳитнинг, яъни ҳужайралар муҳитининг, ёхуд макромуҳитнинг узгариши яъни бузилишидир. Организмда муҳит узгариши ёғ моддаларининг кўпайиши, метаболик касалликлар, семириш, хафақонлик, атеросклероз, гормонларнинг алмашинуви, қанд касаллиги, сигарет чекиш, радиоактив заррачаларнинг атмосферада кўпайиши усмаларни келтириб чиқарувчи омиллардир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги саволлар туғилиши табиийдир. Усмаларнинг келиб чиқиш сабаби аниқ маълум эмас экан, уларни бошланғич даврда аниқлаш қийин экан, даволаш натижалари қандай бўлади?

Онкология фани даргаларидан бири машҳур врач А. В. Мельников бундан ярим аср илгари шундай ёзган эди: «Усмаларни кеч аниқлашнинг биринчи сабаби врачларнинг касаллиқни уз вақтида аниқлай олмаслиги бўлса, иккинчи сабаби одамларнинг бу касалликка бефарқлигидир. Усманнинг биологик характери эса булардан кейин туради». Бу аниқ таъриф бугун ҳам уз кучини йўқотмаган. Демак, кимнинг дарди тез ва эрта аниқланса шу одам яхши даволанади. Бу гапни врачга нисбатан ҳам қўллаш мумкин: «Ким касаллиқни тез ва эрта аниқласа, касаллиқни ҳам яхши даволайди». Бизнинг фикримизча, ҳар қандай врачда онкологик таҳмин туйғуси бўлиши шарт. Афсуски, ҳамма врачлар ҳам бу қоидага амал қиладилар деб бўлмайди.

Умуман соғлиққа эътиборли бўлиш, уз вақтида шифокор мутахассисларга мурожаат этиш ва табиий назоратда бўлиш, бошқа касаллар қатори усма ҳам тузалниши мумкин деб қараш яхши натижаларнинг гаровидир. У еки бу ерингизда иш пайдо бўлса сабаби номаълум оғрик сезсангиз албатта мутахассисларга курсатинг. Маслаҳат учун II-Тошкент Давлат медицина институтини нур диагностикаси ходимларига мурожаат этишингиз мумкин.

**Абдужалил ЙЎЛБАРISOV,**  
II-Тошкент Давлат медицина институтини  
Нур диагностика ва терапия кафедрасининг профессори, медицина фанлари доктори.



Дард исқанжата олган беморнинг муштарам кўчма, муштарам кўчмага шодлик этюти ҳам бир улут ҳикмат, беқисс эътиборлар. Бу борада республика илмий ихтисослашган Аллергология марказининг сай-ҳаракатларидан миждозлар миннатдорлар.

Беморлар учун жон куйдираётган шифокорлар ва ҳамширалар уларнинг қалб изҳорига сазовор бўлишмоқда.

Сурагдаги майин табассумли Дилбар Бозорбоева ва Зулфия Норматоваалар қўли енгил ҳамширалардан.

Даврон АХМАД олган сурат.

— Ташаккур, Владимир Самойлович, Сизнинг тимсолингизда заҳматкаш тиббиёт ходимларини касб байрамлари билан кутлаимиз.

Республика касба уюшмаларининг мустақил ҳаракат қилаётганига, юқорига қарамликдан озод булганига куп булмаса-да, меҳнаткаш омманинг турмуш тарзини янада яхшилашга оид эмин-эркин, фаровон турмуш кечирishi учун ижтимоий ҳимоялашга молик бир қатор тадбирларни ишлаб чиқди ва амалга ошираётир. Аюлат шюри остида элнинг дардига малҳам бўлишдек масъулиятли касб эгаларининг қувонч ва дардларига шерик, уларга елкадош, барча ечилмаган муаммоларининг ечимини топишда сабр-қаноат билан интиломоқда. Бу эса меҳр-мурувват, хурлик туйғуларининг кенг қанот қоқаеттидандан бир дарак.

**Н. ҲАСАНОВА.**

## САЙЁРАМИЗ ОВОЗИ

Франция Президенти Жак Ширак билан Англия Бoш вазири Жон Мейжер Бoсния - Герцоговина масаласида учрашмоқда. Франция ва Англия раҳбарлари Бoснияда тинчлик урнатувчи кучларнинг масаласини ҳал қилишга уринишмоқда. Парижда бўлаётган мазкур учрашув иштирокчилари Бoснияга куч юбориш ва тинчликни урнатишга оид музокараларининг қайта бошланишига эришишга интиломоқдалар. Оврүпо иттифоқи раҳбарлари Шведиянинг Собиқ Бoш вазири Бoсния масаласида музокарачи сифатида тайинланганини ҳамда барқарор муносабатларни урнатиш учун музокаралар бошланшга ҳаракат қилиш лозимлигини таъкидлашган.

Россиядаги энг кучли жиноятчилар гуруҳининг раҳбарлари АҚШда товламчиликда айланиб федерал қидирув бюроси томонидан назорат остига олинди. В. Иванков ва унинг 5 нафар ҳамтовоғи рус миллатига мансуб кишилар истиқомат қиладиган Нью-Йоркдаги жойларнинг бирида кулга туширилди. Канада ва Россия ҳукуматлари билан биргаликда федерал қидирув бюросининг узок давом этган текширувлари натижасида Иванковнинг уғрилиқ, товламчилик, қора дори олиб сотарлиги каби жиноий айбловлар билан Сибирь қамоқларида этиб чиққанлиги маълум бўлди. Россиядан келган муҳожир товламчилик йули билан 3 млн. доллардан кўпроқ маблағ ундиришга ҳаракат қиладиган чоғида АҚШ расмий кишилари томонидан кулга туширилган.

Мингларча польшалик офицерлар Иккинчи Жаҳон урушида улдирилганлигига оид ҳужжатларни Англия ҳукумати яширганликда айбланган маълумот чош этилди. Россия мулозимларидан бири уруш даврида Англия разведка хизматлари бошқармасининг Катин урмонларида офицерларнинг улдирилишига оид маълумотни ҳукумат қалбаки дейишга ундаганлигини билдирган. Маълумотномада уруш даврида фашистларда қотилликни юзага чиқарган ҳукумат билан Англия ҳукуматининг ҳамкорлик қилганлигини англаган инглизлар қайтуга тушади, дейилган.

Собиқ Совет Республикаларидан булган Эстония, Латвия, Литва Оврүпо Иттифоқи билан ҳамкорлик туғрисидаги бир неча шартномани имзоладилар. Мазкур шартномалар Болтиқбуйи давлатларининг охир-оқибатда Оврүпо иттифоқига аъзо бўлиб киришларига замин эканлиги кузда тутилади. Мазкур Битимлар Оврүпо иттифоқига аъзо булган давлатлар Ташқи ишлар вазирларининг Люксембургда бўлиб ўтган учрашувида имзоланди. Собиқ иттифоқ республикаларидан Оврүпо Иттифоқига аъзо бўлишга интиломоқдан узундан-узун руйҳат Болтиқбуйи давлатлари ҳисобига янада кенгайди.

Ривоят қилинишича, қиёмат куни ҳисоб-китоблар туга- гач, жаннатга энг аввало Куръони Каримни тўлиқ ед олган қорилар биринчи бўлиб тақлиф қилинар эканлар. Лекин улар бундай шарафга сахий бойларнинг ҳиммати, улар- нинг ёрдами туфайли эришганликларини айтиб, олдин улар кирсинлар деб, сахийларга йўл берар эканлар. Бу лутфни эшитган сахийлар жуда ҳам қувониб, Аллоҳга ҳамду сано айтишиб, тавозе билан улар бу мартабага олимларнинг насиҳати, уларнинг кўрсатмаси туфайли эришганлари, шунинг учун улардан олдин киришлик бе- одоблик бўлишни айтар эканлар. Ва мана шундай бир қанча вақт давом этган ажойиб тортишувдан сўнг барча жаннатиларнинг илтимосига биноан бу шарафга биринчи бўлиб олимлар мушарраф бўлар эканлар.

Ҳа, азиз биродарлар, олимлар бунга ҳақлидурлар. Зеро, улар инсонларга бўлган барча яхши насиҳатларнинг энг улугига — илмга эга- дурлар ва улар барча

я х ш и л и к қилувчиларга муал- лим — устоздирлар. Илми барча хис- латлардан ортик де- дик! Чунки у фақат инсониятга хосдир. Бошқа барча фази- латлар эса хоҳ у ши- жоат бўлсин, хоҳ қувват бўлсин, хоҳ сахийлик бўлсин ва хоҳ меҳрибонлик бўлсин — қисқаси

ҳар қандай ҳам инсонлар билан бошқа жониворлар ўртасида мушаррафдир. Бундан ташқари, барча яхшилик- ларга худди мана шу илм орқали эришилади. Зеро, сахий киши ёки ростгўй одам шу ишнинг савоб эканлигини бил- маса қилармиди?! Албатта йўқ.

Демак, илмининг барча фазилатлардан ортиқлигининг яна бир сабаби — унинг соҳиби яхшиликлар ва ҳамма олижаноб кишилар учун умумий муаллим — устоз ҳисоб- ланишидир. Демак, азиз биродарлар, ҳар қандай инсон- нинг ўз муаллими, устози бор экан. Шундай экан, ҳўш, у- стоз ва шогирд ўртасидаги муносабат қандай бўлиши ке- рак? Келинг, шу ҳақда бир оз тўхталсак. Азиз биродарлар, шогирд толиби илм устозини ва илмининг ҳурматини жойи- га қўймагунча мақсадига эриша олмайди. Шунинг учун ҳам Расулulloҳнинг куёвлари ва халифалари Ҳазрати Али марҳамат қилганлар: "Мен бир ҳарф ўргатган одамнинг қулдурман. Хоҳласа сотади, хоҳласа озод қилади ва хоҳласа қул қилиб ишлатади". Ҳўқувчиларга илм йўлида кўрсатмалар китобида ёзилишича, устозни ҳурмат қилиш тартиблари жумладан қуйидагилардир: муаллимнинг ол- дида юрмаслик, унинг ўрнига ўтирмаслик, устоз ҳузурда берухсат гапирмаслик, сергап бўлмаслик, чарчаб, малол келиб турганда безовта қилмаслик, вақтга риоя қилиш, бе- маҳал бориб бесарамжон қилмаслик...

Умуман, устознинг розилигини топиш, газабидан сақланиш ҳамда Аллоҳнинг буйруғига қарши келмайдиган барча хоҳишларини бажаришдир. Зеро, Аллоҳга шай бўлиб, маҳлукларга (инсонларга) итоат қилинмайди. У- стознинг ҳурматидан ҳисобланади, — унинг фарзандлари ва тегишли кишиларнинг ҳурматини жойига қўйиш! "Хи- доя" китобининг муаллифи Бурхонидин Марғилоний ҳикоя қилади: "Бухоронинг катта олимларидан бири масжидда дарс бериб ўтирар эдилар. Бунинг саба- бини сўрашганда "Кўчада устозининг ўғиллари болалар билан ўйнаб юрибди ва баъзан масжид эшигининг рўпарасига келаяпти. Ана шу пайтда устозининг ҳурмати учун ўрнидан турмоқдаман" деб жавоб берган эканлар". Ривоят қилинишича Марв (Ҳозирги Мари) уламолари ра- исси қози имом Фаҳриддин Арсабандий эдилар. У кишини подшоҳ жуда каттиқ ҳурмат қилар эди. Ҳа шозот айтган

эдилар: "Мен бу мартабага устозимга хизмат қилганим эвазига эришдим. Мен устозим қози имом Абоязид Адду- бусийга хизмат қилардим. У кишига ўттиз йил овқат тайер- лаб бериб, бирор марта ундан ўзим еб кўрмадим". Худди мана шунинг учун ҳам баъзи Ҳукамолар: "Кимки бир неча соат толиби илмлик машаққатини чекмаса у нодонлик ботқоғида абадий қолиб кетади" деб таъкидлаган. Ибн Аббос марҳамат қилади: "Толиб бўлиб кийинчилик кўргач, матлуб (устоз) бўлиб иззатландим". Ҳа, азиз биро- дарлар, олимлик шарафига иззатига, обрўсига эга бўлиш учун толиблик машаққатларини чекиш, устозлар "жа- фо"ларига чидаш лозим. Лекин минг афсуски бу нарса кейинги пайтда камайиб бормоқда, шогирдлар устозлари- нинг ҳурматини бутунлай унутишган. Ҳатто тўғри инсоний муомала ҳам қилинмайди. Қачон талабалар суҳбатига қулоқ солманг, устозлар устидан гийбат, уларни масҳара қилиш "туноҳ"лари улар- га, билмаган нарсаларни ўргатганлари ва дарсни талаб қилганлари, холос. Энг даҳшатлиси, азиз биродарлар бу нарса мактабларимиздан, синф парталаридан бошланмоқда, биринчи устозига қўл кўтариш, уларни ҳақоратлаш ҳол- лари юз бермоқда. Ука- ларим, толибу-толиба- лар! Бу нарсалар ўзинининг келажагини- гизга болта уриш — аба-

дий нодонлик, зулматида қолишга рози бўлишдир. Устозни ҳар қандай ҳам устоз ва ҳурматга лойиқдур. Зеро, у сизга бир ҳарф бўлса ҳам таълим берган, бирор нарса бўлса ҳам ўргатгандир. Зеро, сиз устозлар розилиги, хурсандчилиги оқ фотиҳаси билан камолга етасиз, бахт топасиз. Акс хол- да, гарчи таниш-билиш билан, е қўққисдан омад келиб қолиб бахтга эришсангиз ҳам улар вақтинча ва давомсиз бўлади. Менимча ўзини доимий бахтли бўлишни истама- ган бирор киши йўқ. Шундай экан, келинглар устозлар- нинг оқ фотиҳалари билан ҳаётга қадам босайлик, доимий бахтга, улкан камолотга эришайлик, келажаги буюк давла- тимизни барпо этишда муносиб ҳисса қўшайлик.

Энди толиби илмлар ҳамма нарса бизнинг зиммамизда эканда, деб қолмасликларини учун, устозларнинг вазифа- лари тўғрисида ҳам тўхталсак. Аввалом бор ҳар бир муаллим ўз масъулиятини ҳис қилмоғи, қўл остидаги толиблар учун ҳам Аллоҳ олдида ҳам, жамият олдида ҳам жавобгар экан- лигини англамоғи лозим. Кеча-ю, кундуз унга қараб, жов- дираб турган кўзларига ҳаёт ҳақиқати, керак. Бундан ташқари, барча толибларга бир кўз билан қарамок, уларга дарсни етказишдаги ҳар қандай машаққатларга бардош бермоқ, уларга юриш-туришда ўрнатилмоқ устозлар вазифаларидан ҳисобланади. Устоз толиби илм на фақат бир фан соҳасида балки, бутун ҳаёт даврида, устоз бўлиб қолмоғи, шогирдининг камолоти учун доимо ғамхўр ва энг яқин маслаҳатчи бўлиб қолмоғи лозим. Шу ўринда муҳта- рон устозларга ҳам икки оғиз сўз. Олижаноб устозлар! Шогирдларингизни дангаса, бепарво, безори, беодоб ва ноқобил бўлиб кетаётганликларига ўзимиз сабабчи эмас- миканми?! Уларни талаб даражаларида илм бера олаяп- мизми?! Ҳўзимизни юриш туришимиз уларга ўрнатилган бўла оладими?!

Қалби дарэ муаллимлар! Ҳали ҳам кеч эмас, келинг ав- вал ўзимиз ўз зиммамиздаги вазифаларни тўлиқ адо қилайлик уларни тўғри йўлга солайлик. Устоз деган номга муносиб бўлайлик. Ҳўлайманки, иншооллоҳ шунда фар- зандаларимиз ўзимизга муносиб шогирд бўлиб етишадилар. Аллоҳ барчаларимизни ўз хидоятидан айирмасин.

**Қурбонали Ҳожи ТУРСУНОВ,**  
**Бухоро шаҳар Мирараб**  
**мадрасаси мудири.**

## ДОНОЛАР УСТОЗ ВА ШОГИРД ХУСУСИДА

Ҳикматли сўзлар... Улар но- маълум шогирдларнинг юрак сатрларидир, халқ истеъдоди- нинг масофа билмас шуълала- ри, зулм, адоват кўксига санчи- лувчи адолат тигидир...

• Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўргалар.  
• Шогирдинг оқил бўлса —

бошингдаги тож.  
• Устаси қандай — шогирди шундай.  
• Қобил шогирд уста бўлар устадан.  
• Шогирднинг бефаросати устасини муттаҳам қилар.  
• Устоз меҳри, она меҳри — эгизак.

• Уста борида қўлингни тий, устоз борида тилингни.  
• Уста бўлсанг, устозингни унутма  
• Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитди ранж ила,  
Айлама бўлмас ҳаққин адо юз ганж ила.

**А. НАВОЙ.**

## ҲАЗИЛ-ЛУҒАТ

Босс — сиз ишга кеччиқанда вақтида келиб, айни ишга вақтида етиб келганингизда бирон жойда "ушланиб" қоладиган раҳбар.

Будильник — ишчилар синфининг уйғонишида ўз роляни ўйнаган ихтиро.

Барометр — ҳозир ташқарида об-ҳаво қандайлигини кўрсатиб турадиган ноёб асбоб.

Бизнесмен — вақтини пул қилиш учун сарфлаб, кейин вақтини ўтказиш учун пул харж қиладиган одам.

Бутилка — шарофати билан гўдаклар оёққа турадиган касофати билан катта одамлар оёқлари чалишиб йиқиладиган шиша идиш.

Бюджет — қандай қилиб ишлаб топганингиздан кўра кўпроқ сарф-харажат қилиб юборганингизни батафсил кўрсатиб берувчи рўйхат.

Бюрократ — хатога йўл қўйиб, қозоннинг юқори бурчаги- га "Мутлақо махфий" деган муҳрига босиб, уни архивга йўлловчи давлат хизматчиси.

Э. Эзар (АКШ)нинг "Юмористик луғати"дан.

Олти минг йиллар муқаддам ҳам мисрликлар йил 365 кундан иборат эканлигини яхши билишган. Қандай қилиб, дейсизми? Жўнгини — яъни Нил дарёсининг биринчи бор қуйилишидан иккинчи бор қуйилишигача бўлган кунларни санаш ҳисобига мантинган йил кунлари саналган экан.

Мисрлик мунажжимлар йил- нома — календарь ихтиро қилган. Мазкур йилномада йил ҳар бири 30 кундан иборат 12 ойга бўлиб кўрсатилган, қолган 5 кун эса қўшимча ҳисобланган, кун ва тун соатларга бўлинган.

Илгарироқ навилонлик мунажжимлар кунни 12 қисмга ажратган. Улар куеш кун давомида 12 юлдузлар туркумидан ўтишини ҳисобга олишган экан. Кейинроқ эса, бир кеча-кундузни 24 соатга бўлиб, кун- дузги ва тунги вақтларга ажратган. Йил фаслларига қараб соат вақти узунлиги ҳам ўзгариб турган.

Илк бор кеча-кундузни 24 тенг қисмга бўлган аллома грециялик му- нажжим, геометр ва физик Клавдий Птолемеий бу эрамининг II асрида Александрияда яшаган.

Қадимги файласуф Диоген Лаэртцийнинг маълумотларига биноан биринчи куеш соатлари тахминан эраимиздан беш аср олдин Грецияда Анаксимандр томонидан яратилган.

# Мунажжимлар таъбири

(19-25 июнь учун)

**ДАЛВ (20.01-18.02)** ойда тугилганлар учун келаси ҳафта тинч-осойишта бўлиши кутилур. Мазкур кунларда режадаги барча ишлар билан шугулланиш мумкин. Хусусан, савдо ишлари ва оилавий дам олишлар жуда яхши натижалар билан тугаши кутилур. Бу ҳафтада сафарга чиқиш, бошлиқлар ҳузур- да бўлиш ҳамда ҳар хил маросимлар ўтказиш мумкин.

**ҲУТ (19.02-20.03)** ойда тугилганлар учун келаси ҳафта жу- да омадли келиши кутилур. Хусу- сан, ишхонада, ижодий соҳада, ил- мий ишларда катта-катта хурсандчи- лик ҳолатларига рўбарў бўлурлар. Бундан ташқари оила бюджетига катта маблағ тушиши кутилур. Ҳаф- та давомида узок вақт кўришилмаган қардонлар билан уч- рашиш, яқин қариндошлар, бемор- ларнинг шифо топиши каби яна бир қанча қувончли воқеаларга шохид бўлурлар. Бу кунларда, камбагал, бева-бечораларга ёрдам қўлини чўзиш яна кўпгина муваф- фақиятларга асос бўлади.

**ҲАМАЛ (21.03-21.04)** ойда тугилганлар учун келаси ҳафта нахс аралаш келиши кутилур. Шунинг учун ҳафта давомида иложли бори- ча кечалари юрмаслик, савдо-сотик ишларини имкон қадар тўхтатиб ту- ришлик ҳамда хизмат сафарларини кечиктириб туриш мақсадга муво- фикдир. Бу кунларда оила билан дам олиш ҳамда ўзининг ва фарзандлар- нинг маънавий камолоти ҳақида қайғуриши мақсадга мувофикдир. Ҳафта давомида ота-оналарни зиё- рат қилиш, уларнинг дуоларини олиш юз бериши мумкин бўлган баъзи нохушликларнинг даф бўлишига сабаб бўлур.

**САВР (22.04-20.05)** ойда тугилганлар учун келаси ҳафтани аввали бир оз нохуш бошланиши ку- тилур. Жумладан, ишлар юришмас- лиги, савдонинг тўхтаб қолиши, оилада жанжаллар кўпайиши каби- лар кишини анча ғангитиб қўяди. Лекин аста-секин ишлар юришиб кетиши кутилади. Хусусан, тўғри юриб, тўғри турилса ҳамда Аллоҳни буйруқлари адо қилиб борилса, ин- шоаллоҳ, ҳаммаси яхши бўлиб кета- ди.

**ЖАВЗО (21.05-21.06)** ойда тугилганлар учун келаси ҳафтанинг аввалги икки кунни омадли, қолган кунлар эса нохуш келиши кутилур. Шунинг учун дастлабки кунларда режадаги барча ишларни бажариш мумкин. Бу кунларда ишхонада ва оилада қувончли воқеаларга шохид бўлади. Бундан ташқари муҳаб- бат борасида ҳам омад ёр бўлади. Аммо кейинги кунларда иложли бо- рича пул аралашадиган барча иш- ларни тўхтатиб турган маъқул. Са- фардан, маросимлар ўтказишдан ҳамда бошлиқлар ҳузурига кириш- дан тўхтаб турган маъқул.

**САРАТОН (22.06-22.07)** ойда тугилганлар учун келаси ҳафта тинч ва осойишта ўтур. Деярли бирор э- да қоларли воқеа юз бермаслиги ку- тилур. Ҳафта давомида сафарга чиқиш ва маросимлар ўтказиш мум- кин. Бу кунларда ота-она ва қариндош-уруғлар зиёрати кўп са- вобли иш ҳисобланиб, келажакда ҳамма ишлар яхши бўлишига сабаб бўлур.

**АСАД (23.07-22.08)** ойда тугилганлар учун келаси ҳафта тўлалигича омадли бўлиши кутилур. Бу кунларда барча режадаги ишлар- ни амалга оширавериш мумкин. Ху- сусан савдо, илмий, ижодий, ишлаб чиқариш соҳаларида катта муваффақиятларга эришилади. Ҳаф- та давомида сафарга чиқиш, тўй- ҳашамлар ўтказиш ва бошлиқлар хизматида бўлиш кўп муваф- фақиятга тугар.

**СУНБУЛА (23.08-22.09)** ойда тугилганлар учун келаси ҳафта нахс аралаш келиши кутилур. Шунинг учун бу кунларда иложли бори- ча катта ишларни бошламай туришлик маъқул. Шу билан барча савдо-со- тик ва ишлаб чиқариши ҳам тўхтатиб туриш маъқул. Ҳафта даво- мида сафарга чиқиш, шартномалар тузиш кабилардан ҳам тўхтаб турган маъқул.

**МЕЗОН (23.09-22.10)** ойда тугилганлар учун келаси ҳафта ўта шиддатли воқеаларга бой бўлиши кутилур. Айниқса, ишхонада бир қанча нохуш воқеаларга шохид бўлади. Агар эҳтиёт бўлмаса, ишдан бўшашликкача бориб етиши мумкин. Оилада ҳам яқин кишилари ёки ўзини соғлиғи ёмонлаштиши эҳтимол қилинур. Нохушликларнинг олдини олиш камбагал, бева-бечора- ларга ҳайри-эҳсонни кўпайтириш ва тўғри юриб-тўғри туриш билан бўлур.

**АКРАБ (23.10-21.11)** ойда тугилганлар учун келаси ҳафта тўла омад ҳафтаси бўлиши кутилур. Бу кунларда барча ишларни режадаги- дай бажариш мумкин. Хусусан, сав- до-сотик ва ишлаб чиқаришдан кат- та фойда кўрилуру. Ҳафта давомида сафарга чиқиш ва тўй-ҳашамлар ўтказиш мумкин.

**ҚАВС (22.11-21.12)** ойда тугилганлар учун келаси ҳафта тўла омадли келиши кутилур. Бу кунлар- да режадаги барча ишларни бажари- ши мумкин. Хусусан, савдо-сотик, ишлаб чиқариш ва дала ишларида катта муваффақиятлар қозонилади. Бундан ташқари оила ва ишхонада бир қанча қувончли воқеаларга шохид бўлишлари эҳтимоли бор. Ҳафта давомида оила бюджетига маблағ тушиши, гойибдаги яқинлари хозир бўлиши ва бемор ётган қавми- қариндошларнинг шифо топиши ку- тилур. Бу кунларда ота-онани зиёрат қилиб, уларнинг розилигига эри- шиш, уларнинг дуоларини олиш жу- да ҳам улуг савобдир.

**ЖАДДИ (22.12-19.01)** ойда тугилганлар учун келаси ҳафтани аввалги ярми нахс, қолгани эса омадли келиши кутилур. Шунинг учун ҳафта аввалида бир оз эҳтиёт- корлик билан иш кўрилса ва атроф- дагилар билан ширин муомалада бўлинса — бир қанча нохушликлар- нинг олди олинган бўлур. Бу кунлар- да иложли борица, бирор янги ишга қўл урмаслик, шартномалар тузмас- лик сафарга чиқмаслик ва савдо-со- тик билан шугулланмаслик мақсадга мувофикдир. Бундан ташқари доимо Аллоҳни эслаб тўғри-туриб тўғри юриш матлубдир. Аммо ҳафтани қолган қисмида иншоаллоҳ барча ишлар юришиб кетур ва барча режа- даги юмушларга қўл уриш мумкин. Валлоҳу Аълам.

## Биласизми?

Қадимда куеш соатларининг ҳам муносиб рақиб бўлган экан. Бу- лар сув соатлари — клепсидра (грекча сўз бўлиб "сув ўгриси" маъно- сини англатган) эди. Дастлаб бундай соатлар конус шаклидаги лойдан еки маъданан ясалган идиш бўлиб, деворнинг махсус токчасига осиб қўйилган. Ингичка найча орқали сув том- чилари бирин-кетин соат вақти чиққлар билан бўлиб кўрсатилган тақдонга томиб тушиб турган.

Эраимизга тахминан 100 йил қадимий грециялик олим Ктесибий гилдиракли клепсидра ихти- ро қилди. Бунда сув кўпгина механизмлари ҳаракатга келтириб тур- ган.

Эраимизга қадар V аср охири IV аср ўрталарида грециялик файласуф Платон будильникни ихтиро қилган. Энг қадимги будильник гидравлик асбоб бўлиб, ўзига ҳос садолар чиқариш хусусияти ҳам бўлган.

Қум ва сув соатлари қурилмасига асосланиб сутли, ерли, симобли соатлар ясала бошланди. Шам соатлари каби шуъла тарқатувчи соатлар ҳам пайдо бўлди.

Галилей эса фақатгина тебранишлар қонунининггина эмас, балки кафитрли соатни ҳам ихтиро этганди.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Саидқаром МАҲМУДОВ.



**ДУШАНБА, 19**

**ЎзТВ I**

17.55 Кўрсатувлар тартиби.  
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.  
18.10 "Мураббий".  
18.40 Футбол шарҳи.  
18.55 Эстрада концерти.  
19.25 Ёшлар.  
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.50 Ёшлар.  
19.55 "Мен буюк юрт ўғлидурман".  
20.40 Оқшом эртақлари.  
20.55 Ёшлар.  
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.  
21.25 Ёшлар.  
21.30 "Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида".  
22.00 Уйғун. "Ибн Сино". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.  
23.40 Ёшлар.  
23.45 — 00.10 "Ўзбекистон" ахбороти.

**ЎзТВ II**

"Тошкент" студияси таништиради:  
18.30 Болалар учун. "Кўзмунчоқ".  
19.00 "Тахлил".  
19.10 "Йўловчи ва транспорт".  
19.40 "Ҳамшаҳарлар".  
21.10 — 22.45 "Энди сизни ким деб аташ керак?". Бадий фильм.

**ЎзТВ III**

**"ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ, РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
17.55 "Тигиз пайт".  
18.15 "Жозефина ёки шухратпарастлик комедияси". Телесериал. 9-серия.  
19.05 "Эркак ва аёл".  
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
20.00 "Время".  
20.40 А. И. Солженицин билан учрашув.  
21.00 "Хусусий детектив Нестор Бурманнинг саргузаштлари". Телесериал (якуновчи серия).

**ЎзТВ IV**

**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**  
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 "Мультикарусель".  
19.00 "Дўст билан обод уйинг".  
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.50 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.

**"ОМАД" таништиради:**

20.40 "Жаҳон географияси".  
21.30 Ёшлар.  
21.40 Видео — "О".  
23.20 Ёшлар.  
23.25 "Курьер".  
23.35 "... яна об-ҳаво ҳақида".  
23.45 — 23.55 "Постфактум".

**СЕШАНБА, 20**

**ЎзТВ I**

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.  
8.00 "Жавоҳирлар маликасига ҳужум". Бадий фильм.  
9.30 Немис тили.  
10.00 "Ёшлик" студияси. "Яхшиларга эргашиб".  
10.30 "Абитуриент-95". Физика.  
11.00 "Кашф этилаётган имкониятлар".  
11.30 "Сихат-саломатлик" почтасидан.  
12.00 — 14.00 "Умидлар йили". Видео-канал.

**ЎзТВ II**

17.55 Кўрсатувлар тартиби.  
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.  
18.10 Болалар учун. "Эртақлар — яхшиликка етаклар".  
18.45 Телефильм.  
18.55 Бастакор Турсун Азимов асарлари.  
19.25 Ёшлар.  
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.50 Ёшлар.  
19.55 "Осейншталик посбонлари".  
20.10 "XXI аср бўсағасида".  
20.40 Оқшом эртақлари.  
20.55 Ёшлар.  
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.  
21.25 Ёшлар.  
21.30 "Миллий хавфсизлигимиз кафолати".  
22.00 "Бир актёр театри". О. Эргашев. "Она меҳри".  
22.50 Ёшлар.  
22.55 — 23.20 "Ўзбекистон" ахбороти.

**ЎзТВ III**

**"ОМАД" таништиради:**  
18.30 "Мультикарусель".  
19.00 "Дунё табнати".  
19.50 Янгилликлар.  
19.55 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".  
20.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёшлар.  
20.40 Видеоид.  
21.00 "Теле-ателье-шоу".  
21.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёшлар.

**ЎзТВ IV**

**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**  
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.  
18.40 "Мультикарусель".  
18.55 "Ҳазинамиз таянчи".  
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.50 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.  
"ОМАД" таништиради:  
20.40 — 23.40 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

21.50—23.30 "Кинонигоҳ".

**ЎзТВ III**

**"ОСТАНКИНО", РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
6.30—8.00 "Телетонг".  
17.55 "Тигиз пайт".  
18.15 "Жозефина ёки шухратпарастлик комедияси". Телесериал. 10-серия (якуновчи).  
19.05 "Мавзу".  
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
20.00 "Время".  
20.40 Бадий фильм.  
20.55 "Ча, ча, ча". Кинокомедия (Финляндия, Швеция, 1989 й.).  
22.00 "Вести".  
22.25 "Тафсилотлар".  
22.35 "Жойлардан репортажлар".  
22.50—23.45 Тунги телесериал. "Ноқулай аёл". Бадий фильм. 1-фильм (АҚШ).

**ЎзТВ IV**

**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**  
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.  
18.40 "Мультикарусель".

18.55 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгилликлари.  
19.15 Телефильм.  
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.50 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.  
20.50 "Рангинкамон" (тожик тилида).  
21.30 "Файзли уйда". Украина маданий маркази.  
22.05 "Би-Би-Си" янгилликлари.  
22.15 — 23.00 "Соккер-клуб". Футбол шаҳри.

**ЧОРШАНБА, 21**

**ЎзТВ I**

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.  
8.00 Болалар учун фильм. "Коинот сирри".  
9.15 Алифбо сабоқлари.  
9.45 "Ёшлик" студияси. "Талабалик йилларим".  
10.20 "Абитуриент-95". Математика.  
10.50 "Аждодлар мероси — Ҳазина".  
11.20 Ўзбек куйларидан концерт.  
11.50 "Бир ўлкаки...".  
12.30 — 14.00 "Маърифат" видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.  
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.  
18.10 Болалар учун. "Умид учкунлари".  
18.45 Спорт хабарномаси.  
18.55 "Буни умр дерлар".  
19.25 Ёшлар.  
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.50 Ёшлар.  
19.55 "Инсон ва қонун".  
20.40 Оқшом эртақлари.  
20.55 Ёшлар.  
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.  
21.25 Ёшлар.  
21.30 "Кино, кино, кино".  
22.20 "Олтин мерос". Ўзбекистон халқ артисти Ғанижон Тошматов.  
23.20 Ёшлар.  
23.25 — 23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

**ЎзТВ II**

"Тошкент" студияси таништиради:  
18.30 "Ўзим ҳақимда".  
19.00 "Шоҳсупа сари".  
19.30 "Муслиқ меҳмонхона".  
20.30 "Бумеранг".  
21.00 "Янги иқтисод".  
21.15 "Ўзбектелефильм" кўрсатади: "Галереяда бир оқшом".  
21.25 "Тошкент оқшомида".  
22.25 — 23.55 "Кинематограф".

**ЎзТВ III**

**"ОСТАНКИНО", РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
6.30—8.00 "Телетонг".  
18.00 "Тигиз пайт".  
18.20 "Ғаройиб костюм". Телевизион бадий фильм ("Грузия-фильм").  
19.05 "Оруз-истақлар фабрикаси".  
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
20.00 "Время".

20.45 "Астрология". Лайма Вайкуле.  
21.05 "Жаҳон дўконлари".  
22.05 "Вести".  
22.25 "Тафсилотлар".  
22.35—23.30 Тунги телесериал. "Ноқулай аёл". Бадий фильм. 2-фильм.

**ЎзТВ IV**

**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**  
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.  
18.40 "Мультикарусель".  
18.55 "Ҳазинамиз таянчи".  
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.50 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.  
"ОМАД" таништиради:  
20.40 — 23.40 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

**ПАЙШАНБА, 22**

**ЎзТВ I**

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.  
8.00 "Ватандан узоқда". Бадий фильм.  
9.30 "Соғлом авлод учун".  
9.50 "Фахрийлар — фахримиз".  
10.30 "Абитуриент-95". Она тили ва адабиёт.  
11.00 "Буни ҳамма билиши керак".  
11.40 Инглиз тили.  
12.10 — 14.00 "Ёшлик" видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.  
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.  
18.10 Болалар учун. "Сехрли мўйқалам".  
18.30 "Булоқлар кўз очганда".  
18.55 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мурод Соҳибов куйлайди.  
19.25 Ёшлар.  
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.50 Ёшлар.  
19.55 "Арзанда эмас, пазанда бўлинг!".  
20.20 "Юзма-юз".  
20.40 Оқшом эртақлари.  
20.55 Ёшлар.  
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.  
21.25 Ёшлар.  
21.30 "Юрт ҳақида кўшиқ". Публицистик кўрсатув.  
22.15 "Нигоҳ".  
23.15 Ёшлар.  
23.20 — 23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

**ЎзТВ II**

"ОМАД" таништиради:  
18.30 "Омад" тақвими.  
18.35 "Кўнгил".  
18.40 "Муҳаббатга ошно қалблар".  
19.00 "Теле-ателье-шоу".  
19.10 Янгилликлар.  
19.15 Видео янгилликлари.  
19.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёшлар.  
20.20 — 22.00 "Кинонигоҳ".

**ЎзТВ III**

**"ОСТАНКИНО" РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
6.30—8.00 "Телетонг".  
17.55 "Тигиз пайт".  
18.25 "Улар Ватан учун жанг қилдилар". Бадий фильм. 1-серия ("Мосфильм", 1975 й.).  
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
20.00 "Время".  
20.40 "Москва, Кремль".  
21.05 "Улар Ватан учун жанг қилдилар". Бадий фильм. 2-серия.

22.00 "Вести".  
22.25 "Тафсилотлар".  
22.35—23.15 Хоккей. Стэнли кубоги. Финал.

**ЎзТВ IV**

**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**  
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.  
18.45 "Мультикарусель".  
19.00 "Бозор иқтисодиёти сабоқлари".  
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.50 "Ёшлик" студияси. "Ғазалхон ёшлигим".  
20.25 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан".  
21.00 "Замандас" (қозоқ тилида).  
21.40 "Безнен мирас" (татар тилида).  
22.20 — 23.20 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.

**ЖУМА, 23**

**ЎзТВ I**

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.  
8.00 "Муваффақиятга элтувчи йўл". Кинодастур.  
8.30 Немис тили.  
9.00 "Халқ ижодиёти".  
9.30 Болалар учун. "Ёнимиз — сөз ўтмоқда".  
10.00 "Суянч".  
10.30 "Ёшлик" студияси. "Мўъжизалар оламида".  
11.10 — 13.10 "Биз танлаган йўл". Видео-канал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.  
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.  
18.10 Ўзбек давлатчилиги тарихи.  
18.40 Муслиқ дақиқалар.  
18.55 "Ислохот ва масъулия".  
19.25 Ёшлар.  
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.50 Ёшлар.  
19.55 "Тараққиёт".  
20.15 "Етти иқлим садоси". Халқаро шарҳловчилар давраси.  
20.40 Оқшом эртақлари.  
20.55 Ёшлар.  
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.  
21.25 Ёшлар.  
21.30 "Вақт — ҳакам".  
22.15 "Мақом кечаси".  
23.15 Ёшлар.  
23.20 — 23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

**ЎзТВ II**

"Тошкент" студияси таништиради:  
18.30 "Ўтмишсиз келажак йўқ".  
19.00 "Бу бўстон аро...".  
19.30 "Биллиб кўйган яхши".  
19.55 "Саломат бўлинг!".  
20.25 "Бизнес-академия".  
20.50 "Экология ва ҳаёт".  
21.20 — 22.20 "Кинотриада".

**ЎзТВ III**

**"ОСТАНКИНО" РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

6.30—8.00 "Телетонг".  
18.25 "Уйин ва эрмаклар". В. Шукшиннинг шу номли ҳикояси асосида қисқа метражли телевизион бадий фильм ("Ленфильм").  
18.50 "Мўъжизалар майдони".  
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
20.00 "Время".  
20.45 Телефильм.

21.00 "К-2" таништиради...  
21.50 "Автоми".  
22.00 "Вести".  
22.25 "Тафсилотлар".  
22.35—23.30 "Қизиққон ўнлик".

**ЎзТВ IV**

**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**  
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.  
18.40 "Мультикарусель".  
18.55 "Ёшлик" студияси. "Ёшлик оқшоми".  
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.50 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.  
20.40 "Тадбиркорлик мактаби".

"ОМАД" таништиради:  
21.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёшлар.  
21.30 "Автосалон".  
21.50 "Панорама".  
22.20 Дэвид Копперфильд. "Афсунгарлик билан 15 йил".  
22.45 Ёшлар.  
22.50 "Даракчи".  
23.00 Ёшлар.  
23.05 — 00.45 Видео — "О".

**ШАНБА, 24**

**ЎзТВ I**

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.00 "Янғроқ кўшиқлар". Бадий фильм.  
9.25 "Ёшлик" студияси. "Онамнинг ўғитлари".  
10.05 "Кинокўзгуда акс этган санъат".  
10.35 "Алпомиш авлодлари".  
10.55 Ўсмирлар учун. "Уйла! Изла! Топ!".  
11.40 "Анъана ва замон".  
12.20 "Театр учрашувлари". М. Тошмухамедов номидаги Қашқадарё вилоят театри.  
13.20 "Ғолиблар".  
14.00 — 14.40 "Рубобим тори иккидур". Муслиқ кўрсатув.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.  
18.00 "Кичкинтоймиз — гижингтоймиз".  
18.40 Спорт хабарномаси.  
18.50 "Кино ва болалар".  
19.25 Ёшлар.  
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.50 Ёшлар.  
19.55 "Ялла ва рақслар".  
20.30 "Ўзбекистон янгилликлари" (инглиз тилида).  
20.40 Оқшом эртақлари.  
20.55 Ёшлар.  
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.  
21.25 Ёшлар.  
21.30 Футбол бўйича Олимпиада ўйинлари саралаш турнири. Ўзбекистон — Қозоғистон терма командалари.  
23.00 Ёшлар.  
23.05 "Ўзбекистон янгилликлари" (инглиз тилида).  
23.15 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

**ЎзТВ II**

"ОМАД" таништиради:  
9.00 "Мультифейрверк".  
9.30 Табиат дунёси.  
10.20 Янгилликлар.  
10.25 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".  
10.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёшлар.  
11.10 Видеоид.  
11.30 "Теле-ателье-шоу".  
11.40 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёшлар.  
12.20 "Кинонигоҳ".  
14.00 — 18.30 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

"Тошкент" студияси таништиради:  
18.30 Болалар учун. "Табассум".  
19.10 "Антенна".  
19.40 "Акс-садо".  
20.10 "Пульс". Хабарлар.  
20.25 "Меннинг кўчам".  
20.40 — 22.10 "Кинематограф".

**ЎзТВ III**

**"ОСТАНКИНО", РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
18.10 Жан Лун Трентиньян "Эркаклар иши" детективиди (Франция).  
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
20.00 "Время".  
20.45 "Кулги панорамаси". Е. Петросян олиб боради.

**ЎзТВ IV**

**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**  
10.00 "Умид" (уйғур тилида).  
21.25 "Аншлаг".  
22.00 "Вести".  
22.20 "Автоми".  
22.25 — 23.25 "Юлдузлар ёнганда".

10.40 "Ўзбекистон — умумий уйимиз".  
11.30 — 13.00 "Ёшлик" студияси. "Талабалар саҳнасида".

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.  
18.40 "Мультикарусель".  
18.55 "Мамлакатлар, одамлар, воқеалар".  
19.20 Телефильм.  
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).  
19.50 "Жараён".  
20.25 "Шалом!".  
20.55 "Муслиқ саёҳат".  
21.30 "Би-Би-Си" янгилликлари.  
21.40 "Бу ажиб дунё".  
22.00 — 22.10 "Си-Эн-Эн" янгилликлари.

**ЯКШАНБА, 25**

**ЎзТВ I**

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.  
8.00 "Камалак". Болалар учун кинодастур.  
9.30 "Шоҳрух" клуби.  
10.00 "Ватанимга хизмат қиламан".  
11.00 "Имконият излаб".  
11.25 "Санъат маскани". М. Уйғур номидаги Санъат институтининг 50 йиллиги.  
12.25 — 13.55 "Нурли келажак". Видео-канал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.  
18.00 Мультифильм.  
18.20 Болалар учун. "Кўшиғим, жон кўшиғим".  
19.05 "Ойнаи жаҳонда...".  
19.25 Ёшлар.  
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).  
20.00 Ёшлар.  
20.05 "Гўзал Фарғонам меннинг". Муслиқ кўрсатув.  
20.55 Ёшлар.  
21.00 "Ҳафтанома".  
21.30 Ёшлар.  
21.35 "Тимсон" видеоканал.  
23.05 Ёшлар.  
23.10 — 23.40 "Ҳафтанома".

**ЎзТВ II**

"ОМАД" таништиради:  
10.00 "Омад" тақвими.  
10.05 "Кўнгил".  
10.10 "Муҳаббатга ошно қалблар".  
10.30 "Теле-ателье-шоу".  
10.40 Янгилликлар.  
10.45 Видео янгилликлари.  
11.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёшлар.  
11.50 — 13.30 "Кинонигоҳ".

17.00 "Совға".  
17.30 "Жаҳон географияси".  
18.20 Ёшлар.  
18.25 Видео — "О".  
20.05 Ёшлар.  
20.10 "Курьер".  
20.30 "... яна об-ҳаво ҳақида".  
20.40 "Постфактум".  
20.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёшлар.  
21.10 "Компьютер-Осиё".  
21.40 "Панорама".  
22.10 Дэвид Копперфильд. "Афсунгарлик билан 15 йил".  
22.45 Ёшлар.  
22.50 "Даракчи".  
23.00 Ёшлар.  
23.05 — 00.45 Видео — "О".

**ЎзТВ III**

**"ОСТАНКИНО", РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**  
18.00 "Юзма-юз". А. Любимов олиб боради.  
18.30 "Ардоғимиздаги санъаткорлар". "Самочеты" ансамбли.  
19.15 "Ота ва бола Дракула". Даҳшатлар комедияси (Франция).  
21.00 "Якшанба".

21.50 Телефильм.  
22.00 "Вести".  
22.25 "Автоми".  
22.30 "Қиёша ҳузурида".  
23.00 "Давр дарёси".  
23.05—00.05 "Тўлин ой".

**ЎзТВ IV**

**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ**  
9.00 Аэробика.  
9.15 "Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!" Мультифильм.  
9.55 "Жонли сайёра".  
10.15 "Меннинг кўчам".  
10.30 "Эртақларнинг сеҳрли олами".  
12.15 — 12.25 "Ўзбекистон янгилликлари" (инглиз тилида).

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.  
18.45 "Мамлакатлар, одамлар, воқеалар".  
19.10 "Поднум".  
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).  
20.00 "Хорижнинг биринчи элчилари".  
20.35 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.  
21.35 "Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси".  
22.10 "Би-Би-Си" янгилликлари.  
22.20 "Бу ажиб дунё".  
22.40 — 22.50 "Си-Эн-Эн" янгилликлари.

"Тошкентдан гапиримиз ва кўрсатамиз" дастуридан.

## Теннис

БИР ОЙЛИК  
САФАР

• Юртимизда бир неча кун давом этган «Буюк инак йўли» сателлит халқаро мусобақаси якунланиб ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Бу мусобақа теннисчиларимизнинг маҳорат оширишларида муҳим аҳамият касб этди.

Халқаро мусобақанинг Тошкент, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида ўтказилган босқич баҳсларида ғалаба қозонган Олег Огородовнинг якунловчи «Мастерс»да омади юришмади. У фақат жуфтлик баҳсларида ғалаба қозонди. Ҳозир Олег Олмония сафарига юрибди. Бу ерда қарийб бир ой мобайнида халқаро мусобақада иштирок этади. Шунингдек, Д.Томашевич, В.Кученко, Т.Хонхужаев каби теннисчиларимиз Туркияда бошланган навбатдаги сателлит мусобақаларида иштирок этадилар.

## Олимпиадачилар учрашуви

МАҚСАД—  
ГУРУҲ ҒОЛИБИ  
БЎЛИШ

• АҚШнинг Атланта шаҳрида келаси йил бошланган Олимпиада ўйинларида иштирок этиш учун жаҳоннинг 121 мамлакати терма футбол жамоалари ўзаро саралаш учрашувларини ўтказишмоқда.

Маълумки АҚШ терма жамоаси мезбон сифатида олимпиада ўйинларига бевосита йўлланма олади. Қолган 15 йўлланмадан бирини кулга киритиш учун курашишга тўғри келади. Осиёнинг 26 мамлакати олимпиадани кулаб 3 та йўлланма учун баҳслашади. Умуман терма жамоалар 8 гуруҳга бўлинган. «Е» гуруҳида Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон жамоалари саралаш ўйинларини ўтказишмоқда.

Гуруҳ ғолиблари аниқлангач, улар нимчорак финал иштирокчилари ҳисобида яна икки гуруҳга бўлиниб, — ўзаро куч синашадилар. Бунда биринчи гуруҳ ғолиби иккинчи гуруҳда иккинчи бўлган жамоа билан, иккинчи гуруҳ ғолиби эса биринчи гуруҳда иккинчи бўлган жамоа билан майдонга

тушади. Бу учрашувларнинг ғолиблари олимпиадага йўлланма оладилар. Мағлублар эса учинчи йўлланма учун баҳслашадилар. Ҳозир «Е» гуруҳи жамоалари уртасида иккитадан учрашув бўлиб ўтди. Футболчиларимиз дастлабки учрашувни Қирғизистон пойтахтида ўтказиб, 5:1 ҳисобида ғалаба қозонишган эди. Иккинчи учрашув эса уз майдонларида Тожикистон терма жамоаси билан бўлди. Муҳлисларда яхши таассурот қолдирган бу ўйинда Н.Қутибоев, М.Қурбановлар дарвозани нишонга олиб, жамоамизга ғалаба келтиришди. Ҳозир Ўзбекистон терма жамоаси 6 очко билан гуруҳ пешқадами бўлиб турибди. Қозоқ футболчилари ҳисобида 4 та очко бор. Қирғизистонликлар ҳисобига 1 та очко эзилган. Тожиқ футболчилари ҳозирча очкосиз. Навбатдаги учрашув 24 июнь кuni Ўзбекистон — Қозоғистон жамоалари уртасида бўлади.

## Футбол

КУЧЛИ ОЛТИ-  
ЛИКНИ КЎЗЛАБ

• Тошкентда Олимпиада терма жамоалари учрашуви муносабати билан мамлакат миллий чемпионати

нинг 12-туридан 3 та ўйин кечиктирилган эди. Бу учрашувлар ўтган чоршанба кuni ўтказилди. Эртага эса чемпионатнинг 13-тур ўйинлари бўлади.

Оралиқ марра яқинлашган сари учрашувлар мурасасиз баҳсларга айланмоқда. Жамоалар яна уч мартадан майдонга тушгач чемпионатнинг дастлабки давраси ўйинлари якунланади. Албатта, «Нефтчи» футболчиларининг пешқадамликни бой беришлари ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Лекин аксарият жамоалар қандай бўлмасин дастлабки даврани кучли олтилик сафидан жой олиш билан якунлашга зур беришмоқда. Зеро, «Нурафшон», «Навбахор» жамоаларининг имкониятлари анча етарли. МХСК, «Пахтакор», «Навруз», ҳатто «Сурдиёна» футболчилари эса охириги уч ўйинда астойдил маҳорат курсатсалар ниятларига етишлари мумкин. Шу боисдан ҳам эртага ўтказиладиган «Пахтакор» — «Сурдиёна», АСК-МХСК, «Навруз» — «Навбахор», «Янгиер» — «Нурафшон» ва «Атласчи» — «Нефтчи» учрашувларига кўпчилик қизиқмоқда.

Мирзо АНВАР.

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН  
КАСАБА  
УЮШМАЛАРИ  
ФЕДЕРАЦИЯСИ  
КЕНГАШИ

Бош муҳаррир  
Саидакром  
САИДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:  
Акмал АКРОМОВ  
(бош муҳаррир ўринбосари),  
Рустам АБДУРАЗЗОҚОВ,  
Абдуманноп АЛИМБОВ,  
Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,  
Тургул НАЗАРОВ  
(масъул котиб),  
Муҳаммадҷо ОТАҚУЛОВ,  
Муҳайё ТЎЛАГАНОВА,  
Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА,  
Баҳодир УМУРЗОҚОВ,  
Тўлқин ҚОЗОҚБОВ.



• Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36  
• Бош муҳаррир ўринбосари — 56-52-89

• Масъул котиб — 56-52-78  
БЎЛИМЛАР  
• Касаба уюшмалари ва мухбирлар билан ишлан — 56-82-79

• Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва ҳатлар — 56-87-78, 56-87-63  
• Ишлаб чиқариш ва ҳўжалик — 56-85-43

• ВИЛОЯТЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:  
Андижонда — 5-23-10  
Бухорода — 3-50-10  
Гулистонда — 2-24-98  
Жиззахда — 3-82-78  
Навоида — 3-41-99  
Наманганда — 6-22-10  
Нукусда — 2-44-46  
Самарқандда — 35-64-22  
Термизда — 2-70-07  
Тошкентда — 56-82-79  
Фарғонада — 24-48-53  
Урганчда — 6-03-40  
Қаршида — 5-33-71

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Тахририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.  
• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.



• СОТУВДА эркин нархда.  
• Жума кунлари чиқади.  
• Босишга тошириш вақти — 19.00. Тоширилди — 20.00

• Навбатчи масъул:  
Шомаҳмуд  
ШОБИЛОЛОВ

• МАНЗИЛИМИЗ:  
700165, Тошкент шаҳри,  
«Правда Востока» кўчаси,  
24-уй.

• Наир кўрсаткичи:  
64560; 64561.

• Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.

• IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

• «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.  
• Буюртма Г-0264  
1 2 3 4 5 6

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОЖЛАР

## ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкентдаги «Ганга» жамоа корхонаси узи жойлашган бинонинг биринчи ва иккинчи қаватларида хорижда тайёрланган куйидаги маҳсулотлар ва кийим-кечакларни сотувга чиқарди.

Жумладан Эрон Ислон Республикасида ишлаб чиқарилган қадокланган печеньелар, вафлилар, турли хилдаги қадокланган сифатли конфетлар, кетчуб (сардак)лар.

Ана шу мамлакатдан келтирилган ҳар хил турдаги соч ювишга мулжалланган шампунлар, тиш тозаловчи пасталар, терини парваришлаганга оид кремлар, қоғоз сочиқ (салфетка)лар: Шунингдек идиш-товоқларни ювишда ишлатиладиган махсус сифатли эритмалар:

Ҳиндистон ва Эрон мамлакатлари энгил саноати маҳсулотларидан — жемпирлар, свитерлар:

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси 21-уй. Метронинг «Ғафур Ғулом» бекати. 1-, 14-, 18-, 21-, 24-тролейбуслар ва 65-автобуснинг «Ганга» бекати.

КОРХОНА, ХЎЖАЛИК ВА ТАШКИЛОТ-  
ЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

«СЕРАЗ» фирмаси узи тайёрлаган юқори унум билан ишлайдиган куйидаги ускуналарни сотиб олишни таклиф этади:

- универсал тегирмонлар;
- шлакни блоklar туғламлари;
- шоти оқлагичлар;
- маккажухори донини сутасидан ажраттичлар;
- ун, дон ва бошқа шунга ухшаш маҳсулотларни эловчи механик ускуналар;
- пойдевор плиталари учун қолтичлар;
- ер енгоқ тозалагичлар;

Туловлар ҳисоб рақамига пул ўтказиш йули билан бўлади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Г. Петров кўчаси 327-уй.  
Телефон: (3712) 96-61-71. Эрталаб соат 9 дан кундуз соат 16.00 гача кўнгирак қилиб мурожаат этиш мумкин.

САВДО КОРХОНАЛАРИ  
РАҲБАРЛАРИ, ФУҚАРО-  
ЛАР ДИҚҚАТИГА!

Соф ўзбек пахтасидан тайёрланган энгил, юмшоқ, қулай ички кийимларга эҳтиёж сезсангиз кечиктирмасдан бизга мурожаат қилинг. Кунглингизга мос эркаклар, аёллар ва болаларнинг энг замонавий нусхаларда тайёрланган ички, тунги ҳамда уйда кийишга мос трикотаж кийимларини, пахталикларни ва чақалоқлар учун комплектларни анча арзон баҳоларда, чекланмаган миқдорда тавсия этамиз.

Нархи келишув асосида.

Наманган вилояти, Чортоқ шаҳри,

Ибн Сино кўчаси. Уй-155.

«Зухал» трикотаж кийимлари  
ҳиссадорлик жамияти.

Телефонларимиз: Чортоқ (коди: 89237)

21182, 23357.


ФАКС 24399.

самолёти ҳар сешанба кuni «Тошкент» халқаро аэропортидан учади.

Тулов сумлар орқали бўлади. Сайёҳларнинг юклари узлари билан бирга уша самолётда ташилади, унинг 50 килограмми учун ҳақ олинмайди.

Мурожаат учун манзилимиз: 700011 Тошкент шаҳри,  
Навоий кўчаси 16а-уй, Телефонлар (3712) 41-51-51, 41-59-52.

Semsar S



Суриянинг «Мида» фирмаси билан Тошкентдаги «Семсар С» сайёҳлик фирмаси Сурияга Тошкент—Аллеппо—Тошкент йўналиши буйича чартер рейсларини ташкил этмоқда. Сайёҳлик

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг раиси Ж. Л. Алмижужаевага волидан муҳтарамалари  
Зумрад ая ҚЎҚОНБОВЕВанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг жамоаси Федерация кенгашининг масъул ходими А. А. Муҳаммадҷононга ладирини бузруқворлари  
Аҳмад ота МУҲАММАДЖОНОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг кенгашининг жамоаси Федерация кенгашининг масъул ходими Р. Тожижужаевага волидан муҳтарамалари  
Ҳабибахон ая Тожижужаеванинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика савдо, умумий оққатлашни матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси меҳнат муҳофазаси бош техник назари  
Музаффар ТўРАЕВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.